Ю 25729
1

# ИЛҲОМ ҲАМРО

Ю
25729
1



# СИЗНИ ТОПДИМ

25729
Ю 1 | 2000И-2906
| Ҳамро, И.
Сизни топрим[illegible]
[illegible]лар/.

2000И-2906

[illegible] 2000,

ИЛҲОМ ҲАМРО

# СИЗНИ ТОПДИМ

Шеърлар

"ЁЗУВЧИ" НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 2000

Ўз2
Ҳ 25

**Ҳамро, Илҳом.**
Сизни топдим: Шеърлар.— Т.: Ёзувчи, 2000.—88 б.

Шундай шеърлар бўладики, ўқиганингизда мусиқаси ўз-ўзидан жаранглаб туради, сатрларда равон сирғалган нигоҳингизни сеҳрли оҳанглар яна қайларгадир бошлаб кетганини сезмай қоласиз. Бир нафас билан руҳингизга сингтан шеърдаги иликлик, майин тароват тўлқини беихтиёр, иккинчи, учинчи шеърни ўқишга даъват этади, бу давом этаверади. Қачонлардир қалбингизга сингтан, ёдингизда ўрнашиб қолган қўшиқнинг сатрларини ўқиётганингизда, ўзингизни қадрдан фикрлар, гоҳ ёрқин, гоҳ нолакор издиҳомларга қайтадан юзма-юз бўлаётганингизни англайсиз. Юрагингизда ардоқланган, хаёлингизда эъзозланган туйғулар шарҳининг янги қирраларини шу шеърлардан қайта кашф этгандай бўласиз. "Сизни топдим"—Сиз излаётган китоб эканлигига иқрор бўласиз...

Ю) 25729

Ўз2

Х $\frac{4702620202}{М352(04) - 2000}$ қатъий буюртма-2000

ISBN 5-8255-0651-9

© Илҳом Ҳамро, "Ёзувчи" нашриёти, 2000 й.

A | O'zb. Res. DK 2906

## ОНА — ЎЗБЕКИСТОНИМ

Юртимда эрк қуши учади озод,
Мустақиллик дилни айлади обод.
Бағрингда ўғил — қиз, фарзандларинг шод.
Сенга таъзим, Она — Ўзбекистоним!

Халқим бу кун қаддин тиклади, мана,
Адолат, эзгулик қилди тантана,
Байроғинг осмонга бўй чўзган, ана,
Сенга таъзим Она — Ўзбекистоним!

Темир бобом руҳи мададкор, йўлдош,
Бу Туронзаминда барча халқ қўлдош,
Момолар дуода, тилайди бардош,
Сенга таъзим, Она — Ўзбекистоним!

Дилларни тўлдирган меҳр ярашар,
Кумушлар кўзида сеҳр ярашар,
Элимга мағрурлик, зеҳн ярашар,
Сенга таъзим, Она — Ўзбекистоним!

## СОҒИНИБ ТОПИБМАН

Тангри дилидаю, Қуръон қўлида,
Ёши ҳам кексаси тилар иймонин.
Бир ҳовуч сувга зор юрмас чўлида,
Соғиниб топибман шундай замонни!

Чорлаб хаёт отин, миниб учибман,
Ул замин тупроғин ўпиб, қучибман,
Ўтмишимни ўйлаб ҳатто чўчибман,
Соғиниб топибман шундай замонни!

Боболар кўзидан нур ёғиларкан,
Момолар юзидан нур ёғиларкан,
Осмонидан гўё ҳур ёғиларкан,
Соғиниб топибман шундай замонни!

Қуёш бул диёрга ёғду ёпаркан,
Ҳориган ой бунда зиё топаркан,
Кўз очган жилғаси ерни ўпаркан,
Соғиниб топибман шундай замонни!

Қўлинг кўкка чўзсанг юлдуз қўнаркан,
Қалби пок бўлмаган гулдай сўнаркан,
Ул заминда дилга меҳр тўларкан,
Соғиниб топибман шундай замонни!

Амал тулпорига ёпишганлар йўқ,
«Нарвон», «Суянчиққа» чопишганлар йўқ,
Ғийбат балосида топишганлар йўқ,
Соғиниб топибман шундай замонни!

Ҳуркак парилари мисоли бир қуш,
Ошиқ Илҳомини айлабди сарҳуш,
Юрагим орзиқиб сўйлагани туш,
Соғиниб топибман шундай замонни!

## "Ё, ВАТАН!" ДЕЙЛИК

Юртимиз ҳаётбахш навоси гўзал,
Қуёшни қучгувчи самоси гўзал,
Зиё таратувчи сабоси гўзал,
Ҳар оқшом, ҳар саҳар "Ё, Ватан!" дейлик.

У бизнинг юртимиз, кўз қарогимиз,
Иймон, виждонимиз, сўз – ардогимиз,
Мангута янграсин қалб сўрогимиз,
Ҳар оқшом, ҳар саҳар «Ё, Ватан!" дейлик.

Истиқлол элчиси, бахтлар диёри,
Муҳаббат куйчиси, аҳдлар диёри,
Аҳдита вафодор шаҳдлар диёри,
Ҳар оқшом, ҳар саҳар "Ё, Ватан!" дейлик.

Тинчликка чорловчи чоргоҳимиз у,
Багри кенг жаннатдир, паноҳимиз у,
Диллардан жой олсин, Оллоҳимиз у,
Ҳар оқшом, ҳар саҳар "Ё, Ватан!" дейлик.

## МАНИМ ОНАМСАН

Ўзинг бўлгим келади ҳар дам,
Ғамларингдан кўзларимда нам,
Тупроқ – сени тушунгувчи кам,
Саждагоҳим маним, Онамсан!

Огиз очсам куяди тилим,
Нодон аҳли чўктирди дилим,
Қаён боқсам тўкилар кулим,
Саждагоҳим маним, Онамсан!

Нафси зўрлар дунё, мол тилар,
Хушомадпинг бошини силар,

Художўйдан замон ҳам кулар,
Саждагоҳим маним, Онамсан!
Сен Оллоҳнинг мунаввар нури,
Сулувларинг жаннатнинг ҳури,
Ҳар бири бир жаҳоннинг дури,
Саждагоҳим маним, Онамсан!

Бу дунёда «ҳақ» йўли беркли.
Дўсти ҳалол сендадир эркли,
Шул томонга юзлангин Туркли,
Саждагоҳим маним, Онамсан!

Қучоғингда исиди жисмим,
Илҳом дея қўйдилар исмим,
Сен — ўзимсан, ўзинг — танамсан,
Саждагоҳим маним, Онамсан!

## ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ

Хур заминга чиройим, бахтли қушим, бахт қушим,
Осмонимда бир ойим, ақлу ҳушим, балқ қушим,
Истиқболинг кўрайин, ҳақли қушим, ҳақ қушим,
Адолатнинг тимсоли, Ўзбекистон - Ватаним!

Иймони бут, дили пок, ўзбек бўлсанг ярашар,
Умидинг топгай зиё, нурга тўлсанг ярашар,
Шундай диёр қўйнида ўйнаб – кулсанг ярашар,
Адолатнинг тимсоли, Ўзбекистон — Ватаним!

Ўзингдай нияти пок боболаринг бор бўлсин,
Дуога қўлин очган момоларинг бор бўлсин,
Қалбдан мангу жой олган сиймоларинг бор бўлсин,
Адолатнинг тимсоли, Ўзбекистон — Ватаним!

Боғда булбуллари ҳурлик қўшиғин куйлар,
Чиройда ой қизлари Ҳинду Хитойни бўйлар,
Йигитлари вафоли Ширин, Санамин ўйлар,
Адолатнинг тимсоли, Ўзбекистон – Ватаним!

Таянчим – эл иймони, шундан ёрутдир юзим,
Суянчим – эл виждони, меҳрга тўлиқ кўзим,
Барчаси учун, дўстлар, халқимга қилгум таъзим,
Адолатнинг тимсоли, Ўзбекистон – Ватаним!

ОНАЛАР ЮРАГИН ВАТАН ҚИЛ

Алпомиш яшаган бизлар томонда,
Барчинлар юрагин Ватан қил, сеҳр!
Ёлғонни чечакдай очган замонда,
Оналар юрагин Ватан қил, меҳр!

Қабоҳат уйига сени қотсалар,
Нафрат кўзгусида сени сотсалар,
Эзгулик қўйнига мангу отсалар,
Оналар юрагин Ватан қил, меҳр!

Оналар яшаркан, тирик сен ўзинг,
Шаҳло кўзлардаги киприк сен ўзинг,
Дилларни боғловчи кўприк сен ўзинг,
Оналар юрагин Ватан қил, меҳр!

Она дуосин ол, турда яшайсан,
Эзгулик, муҳаббат, шеърда яшайсан,
Мангу шу тупроқда – ерда яшайсан,
Оналар юрагин Ватан қил, меҳр!

## ЎЗБЕКИСТОНИМ

Улуғ Истиқлолни рост қил, Оллоҳим,
Иймонсиз ҳар касни паст қил, Оллоҳим,
Мўмин элим узуги даст қил, Оллоҳим,
Ўзинг ифтихорим, ўзинг тан – жоним,
Дилимда Қуръоним, Ўзбекистоним!

Озод эл бешиги аллага тўлган,
Пирларинг мададкор, йўлдошинг бўлгай,
Аждодларим руҳи қўлдошинг бўлгай,
Эй, маним ўзлигим, ғурурим, шоним,
Дилимда Қуръоним, Ўзбекистоним

Шукрким, дилларинг ноласи етди,
Шаҳид булбулларинг ноласи етди,
Эрк деган элларинг ноласи етди,
Сен борки, томирда сўнмагай қоним,
Дилимда Қуръоним, Ўзбекистоним

Адашган йўлларим ўзимга келди,
Аллларнинг қуввати тизимга келди,
Юрагим чўғ бўлиб кўзимга келди,
Бағрингга бос, Онам, эй, меҳрибоним,
Дилимда Қуръоним, Ўзбекистоним!

Шул вужудим тупроқ, бағрим Ватандир,
Умид уйи кулбам – сабрим Ватандир,
Йўлимнинг охири – қабрим Ватандир,
Меҳрингни туйганман бешикда оним –
Дилимда Қуръоним, Ўзбекистоним!

ЎЗИНГСАН, ШЕЪРИМ

Ғанимларим гўё ғамим есалар,
Нечун тилга чиқмас зоринг, десалар,
Сенга номеҳрибон ёринг, десалар,
Суянчим, юпанчим ўзингсан, шеърим!

Яхшининг бошига ёғилса тошлар,
Худбинлар тўрда – ю, уюлса қошлар,
Дарё бўлиб оқса ичга кўз ёшлар,
Ҳалолга суянчим ўзингсан,шеърим!

Муттаҳам «элим» деб юртини сотса,
«Элим» деб порахўр зўр паноҳ топса,
Ҳотамлар шу сўзнинг пинжида ётса,
Ёлғизга юпанчим ўзингсан, шеърим!

Замона кимники билмай қоламан,
Жавоб топмай гоҳо ўйга толаман,
Тангрини ёд этиб, мадад оламан,
Ўзимга овунчим ўзингсан, шеърим!

Ёлғоннинг бошини силаса замон,
Ҳокисор талпинса нафсигор томон,
Қадоққўл халқимга тилайман омон,
Суянчим, юпанчим ўзингсан, шеърим!

х х х

Ишқингизнинг сўлим дунёларида,
Мукамбар хаеллар нурга кўмилар.
Жаннатий дилингиз дарёларида,
Энг гўзал кунларнинг еди чўмилар.

Саҳардай бокира қалбингиз аро,
Бир ёруғ ҳайратлар қурур ошиён

Кўнглингизга дунё дардин сиғдириб,
Яшайсиз, бардошдан бино бўлган жон.

Илдизи жонларга туташ дарахтсиз,
Бедор кунлар ичра кўзингиз посбон.
Зарра тикан ботса фарзандингизга,
Сизнинг хаелингиз маҳзун, паришон.

Бунчалар меҳрни қайдан олгансиз,
Қайдадир сиздаги бунчалар сабот.
Таъзимда турибман пойингиз узра,
Эй Она, эй аёл — Илоҳий нажот.

Дилингиз меҳробин остонасида,
Шабнамдай сочилар дарду қайғулар.
Сиз шамсиз юракнинг парвонасида,
Руҳларни тўлдирар ёруғ туйғулар.

Яна нелар дейин, ожиздир қалам.
Сиз замин кўксида порлаган ҳилол.
Сизга юкингувси икки жаҳон ҳам,
Икки жаҳон ичра улутсиз, Аёл.

## ЮРТ МАДХИ

Юртим, тупроғингдан айланай ўзим,
Тонгларинг мунаввар, тунларинг ёруғ.
Қадим шонинг ҳаққи шу айтар сўзим,
Дунёда юрт борми сендайин улуғ.

Темур шуҳратидан кўк ўйга чўмди,
Етти иқлим узра туғинг музаффар.
Бобиринг жаҳонни ҳайратга кўмди.
Дунёда юрт борми сендай мунаввар.

Куйдинг, бу оламни тутди фиротинг.
Ўтмишинг ўт солди кўксимга бисер.
Чўлпонинг дардида куйди қароғинг.
Дунёда юрт борми сендай ҳокисор.

Меҳмонга нон каби жонинг тутарсан,
Кунглинг офтобига қуёш ҳокисор
Осмондай ярадинг, шундан ўтарсан.
Дунёда юрт борми сендай пирвиқор!

Шуълалар тўлдирсин қароғларингни.
Қалбинг тарк этмасин илоҳий шарор.
Кўзларимга сурай тупроқларингни –
Дунёда юрт борми сендай улутвор!.

## ЎЗБЕК АЁЛИ

Сабру бардошдан юрт огоҳ, деган
Қарашн жон олар ўт нигоҳ, деган,
Ҳатто осийлар ҳам «Ё, Оллоҳ!» деган,
Иймондан яралган ўзбек аёли!

Шуълалар ўйнайди кулгичларида.
Севинчи яшириn ич - ичларида.
Ойу юлдуз порлар дил буржларида.
Осмондан яралган ўзбек аёли!

Сурган хаёллари қуёшдан ёрут.
Кўзларида севги маңгъали енут.
Тонгларни уйғотган мунаввар бир руҳ –
Тобондан яралган ўзбек аёли!

Момо Ҳаволарнинг ҳайрати айтсин.
Барчиноилар буюк шиддати айтсин.
Тўмарис юрагин қудрати айтсин.
Исёндан яралган ўзбек аёли!

Суврати дилбару сийрати мағрур,
Борлиғин қуршаған илоҳий сурур,
Тангрининг ишқидан йўғрилган бир нур —
Ризвондан яралган ўзбек аёли!

АЙТОЛМАЙМАН

Оҳу кўзли бир қиз қолди широқларда,
Ўшал томон қўйсам қадам қайтолмайман.
Боқишидан тану жоним титроқларда,
Билса дилга келар малол, айтолмайман.

Жамолингни кўр нарига менгзаб қайтдим,
Айрилиғим сабо差ларга сўзлаб қайтдим,
Эшигидан гадо бўлиб бўзлаб қайтдим,
Билса дилга келар малол, айтолмайман.

Ошиқлигим билса ўзи суйиб қолар,
Лола юзи чўғдек ёниб, куйиб қолар,
Ул қаламқош қовоқларин уйиб қолар,
Билса дилга келар малол, айтолмайман.

Нетай, билмам, мудом кўнглим ўшандадир,
Телба бошим қаён урсам вишондадир,
Ишқин баён этолмай тил кишандадир,
Билса дилга келар малол, айтолмайман.

БОЙЧЕЧАГИМ

Баҳорларда очилган бойчечагим,
Боғларимга сочилган бойчечагим,
Бу чиройни, айт, гулим, қаңдан олдинг!
Юрагимга муҳаббат куйин солдинг.

Бойчечагим, қорақош бойчечагим,
Юлдузлардай сочилган бойчечагим.
Чиройингни кўриб мен суйиб қолдим,
Қулим етмай ўзингга, куйиб қолдим.

Сочларингни силайди шамол суйиб,
Товонингни ўпади қорлар ийиб,
Офтоб ҳайрон боққанда ой юзингга,
Мен турибман чорасиз кундай куйиб

Бойчечагим, қорақош бойчечагим,
Юлдузлардай сочилган бойчечагим,
Чиройингни кўриб мен суйиб қолдим,
Қўлим етмай ўзингга, куйиб қолдим.

Мен турибман кўнглингни сезиб, гулим,
Қуй, йиглама багримни эзиб, гулим,
Бу оламда севгига вафоли кам,
Ҳақ топмайсан дунёни кезиб, гулим.

Бойчечагим, қорақош бойчечагим,
Юлдузлардай сочилган бойчечагим,
Чиройингни кўриб мен суйиб қолдим,
Қўлим етмай ўзингга, куйиб қолдим.

Жамолингга термулиб туйсам, ёрим,
Гариб бошим кўксингга қуйсам, ёрим,
Кулиб менга, богингдан сен қарайсан,
Қўшигим – ла эркалаб суйсам, ёрим.

Бойчечагим, қорақош бойчечагим,
Юлдузлардай сочилган бойчечагим,
Чиройингни кўриб мен суйиб қолдим,
Қўлим етмай ўзингга, куйиб қолдим.

СУЙИБ ҚОЛАСИЗ

Ёқиб, гоҳо ёқмай ўтамиз,
Умр бўйи сизни кутамиз,
Девона ишқ қул қилган бизни,
Сизсиз ахир қаён кетамиз.

Кўнгил беринг, суйиб қоласиз,
Ноз қилсангиз куйиб қоласиз.

Кўп нолимай, суяверамиз,
Эркалаб ҳам, куяверамиз.
Не савдолар тушса ҳам бошга,
Малакларга йўяверамиз.
Кўнгил беринг, суйиб қоласиз,
Ноз қилсангиз куйиб қоласиз.

Замонадан ортда қолдим – ку,
Дилингизга оғриқ солдим – ку,
Ўзга ёрни севиб мабодо,
Айтинг, сиздан кечиб тондикму?
Кўнгил беринг, суйиб қоласиз,
Ноз қилсангиз куйиб қоласиз.

Ўзингиз – ку, ёй – қалам қошли,
Кўрган кўзлар барчаси ёшли,
Аччиги тез дунёда ахир,
Ошиқ Илҳом деманг бардошли.
Кўнгил беринг, суйиб қоласиз,
Ноз қилсангиз куйиб қоласиз.

## ЁШЛИК ҚАЙТМАЙДИ

Баҳор қайтар, куз ҳам қайтар, қайтар турналар,
Қайтган чоги кўз қувониб, олам турланар,
Билиб – билмай сочимизга оқ ҳам оралар,
Ёшлигимиз эслаганда кўнгил тирналар,
У дамларни соғиндим деб кимлар айтмайди,
Ёшлигимиз қайтмас экан, ёшлик қайтмайди.

Алданма ҳеч, ишонма ҳеч, бевафо дунё,
Умр оқиб ўтаверар гўёки дарё.

Бахт қидирма, бахт улашар соқиймас ҳеч ким,
Ўтар шоҳ ҳам, гадолар ҳам, боқиймас ҳеч ким,
Гар гуноҳи бўлмаса, бил, қоқилмас ҳеч ким,
Жаҳаннамнинг оловида ёқилмас ҳеч ким,
Ёшлик чоғин қадрин билмас, оқилмас ҳеч ким,
Ёшлигимиз қайтмас экан, ёшлик қайтмайди.

Алданма ҳеч, ишонма ҳеч, бевафо дунё,
Умр оқиб ўтаверар гўёки дарё.

Умримизнинг ўзи армон, йўллари армон,
Ўтган кунлар қори армон, дўллари армон,
Тутолмаган соҳибжамол қўллари армон.
Ҳастимиз ўнги армон, сўллари армон,
Йиғлаб қолган илк севгимиз йўллари армон.
Ёшлигимиз қайтмас экан, ешлик қайтмайди.

Алданма ҳеч, ишонма ҳеч, бевафо дунё,
Умр оқиб ўтаверар гуёки дарё.

## ОППОҚ ОЛМА

Оппоқ олма, оппоқ олма сувда оқиб боради,
Ўркач – ўркач тўлқинларда қалқиб – қалқиб боради.

Йўлларида оч дарёнинг гирдоблари ютмасин,
Юрагимнинг ҳавотири - сув тубига йитмасин.

Ҳой, оқ олма, оппоқ олма, ёр оромин олиб қўй,
Чўтли – чўтли муҳаббатим ёр дилига солиб қўй.

Ол юзлари гул – гул ёниб, ишқ азобин тотсин ёр,
Ёмғирларга сирин айтиб, кўз ёшига ботсин ёр.

Тоғу тошга бошим урдим, ишқ дегани шулми ё,
Айтгил узинг, ошиқ аҳли юрагига қулми ё.?!

Кулгиларим йўқотганман, шундан кўзда мунг ётар,
Бу дунёси ҳижрон экан, аламлари чўнг ботар.

Оппоқ олма, оппоқ олма, сувда оқиб боради,
Ул қирғоққа,бул қирғоққа боқиб – боқиб боради.

Оппоқ олма суза – суза ёр қошига етдиму,
Баргларидай Илҳом қалби қалқиб - қалқиб кетдиму.

Ҳой, оқ олма, оппоқ олма, ёр оромин олиб қўй,
Чўтли – чўтли муҳаббатим ёр дилига солиб қўй...

## ҚОРАҚОШ ГЎЗАЛИМ

Нозли – нозли боқиб ўтасиз, гулим.
Йўлингизда кимни кутасиз, гулим.
Ишқингизда куйиб, бўлдим мен адо,
Атай индамасдан кетасиз, гулим.
Қоракош гўзалим, қилманг интизор,
Васлингизни ўйлаб, тунларим бедор.

Ойни уялтирган гулдай юзингиз,
Менга ҳеч айтмайсиз чин дил сўзингиз.
Кулдирасиз, эркам, менга қарамай,
Боқсам ёндиради оқу кўзингиз.
Қорақош гўзалим, қилманг интизор,
Васлингизни ўйлаб, тунларим бедор

Ишқ тигида куйдим бағрим тилдириб,
Кўзларим излайди дардим билдириб,
Юрагимда асрай бир умр сизни,
Кела қолинг қалбим нурга тўлдириб.
Қорақош гўзалим, қилманг интизор,
Васлингизни ўйлаб, тунларим бедор.

## ЎЛАН АЙТИБ

Ўлан айтиб оху кўзлар сузилади.
Тилларида ёр – ёрлари тизилади,
Энди сунбул сочларини силар қай қўл,
Эслаганда дил майсадай эзилади

Сенсиз менинг осмонимда юлдузим йўқ,
Жон – жаҳоним ёришмайди, кундузим йўқ,
Ёр – Ёрлари оғритади кўнглимни, оҳ,
Овуттали бир меҳрибон дилсўзим йўқ.

Кўзларимда ёш қолмади, тўкдим – ку мен,
Ҳижрон деган дарёсига чўкдим – ку мен,
Айрилиқнинг азобига сиғдиму лек
Кўзларингга сиғолмасдан ўчдим – ку мен.

Ўлан айтиб қизлар қушдай тизилади,
Ошиқ Илҳом қалбин тиглаб сузилади,
Сунбул - сунбул ул сочларни силар қай қўл,
Эслаганда дил майсадай эзилади.

## МУҲАББАТ ЙИҒЛАР

Фақат кўнгил унсиз йиғлар, кўзда ёшим йўқ,
Яхши - ёмон кунларимда қайғудошим йўқ,
Ёлғиз юрак малҳами ул қаламқошим йўқ,
Мажнунтолдай сойни қучиб муҳаббат йиғлар.

Қаро қошинг янги чиққан ҳилолдай эди,
Кулгиларинг гард қўнмаган зилолдай эди,
Шодликларинг олиб кетдинг, шамолдай энди,
Мажнунтолдай сойни қучиб муҳаббат йиғлар.

Дилим ичра сен билмаган саволим қолди,
Умрим ўтди, ишқ йўлида уволим қолди,


A | O'zb. Res. DK 2906

Хаёлимга банди бўлган хаёлим қолди.
Мажнунтолдай сойни қучиб муҳаббат йиғлар.

Юрагимда изтиробни ҳушлайди соғинч,
Баҳорларни киритмасдан қишлайди соғинч,
Илҳом кўнгли туб – тубини ғашлайди соғинч.
Мажнунтолдай сойни қучиб муҳаббат йиғлар.

ОҲУЖОН

Орзуларим беқапот қушга айланди бутун,
Юрагимнинг торлари ғамга бойланди бутун,
Кўзларимга кўзларинг маъюс жойланди бутун,
Юр, кетайлик, оҳужон, боғлар ёнсин ловуллаб,
Муҳаббатсиз кўнгиллар қолаверсин ҳувиллаб.

Кўкка боқ, умидларим юлдуз бўлиб порлайди,
Куйинчак ҳилол мудом паноҳига чорлайди,
Кўнглим аро бир соғинч ўртанади, зорлайди.
Юр, кетайлик, оҳужон, боғлар ёнсин ловуллаб,
Муҳаббатсиз кўнгиллар қолаверсин ҳувиллаб

Оҳутивам, кўзингда дунёларни кўрдим ман,
Ушшоқ элни бўзлаган савдоларни кўрдим ман,
Мажнун бўлиб чорлаган саҳроларни кўрдим ман,
Юр, кетайлик, оҳужон, боғлар ёнсин ловуллаб,
Муҳаббатсиз кўнгиллар қолаверсин ҳувиллаб.

## ЁНДИРАВЕРМА

Кўзингдан айланай, ёндираверма,
Жим туриб бунчалар куйдираверма,
Сен - менинг кўнглимда яширган сирим,
Қалбдаги ишқ ўтин сўндираверма.

Гўзаллар сардори, дилбари сенсан,
Сарви гуллар ичра сарвари сенсан,
Мен сени ким деяй: Ширинму Зуҳро,
Ҳусни камолотда Лайлога тенгсан.

Кела қолгин, ўзинг кўнглимни сезиб,
Бир ўт ёнаётир бағримда сизиб,
Васлингга интилиб яшайман мудом,
Бир армон қолмасин дилимни эзиб.

Суйганим кўзлари тўла чўтмикан,
Киприги жонимга ботган ўқмикан,
Куйишмай не илож қилайин ахир,
Илҳом учун айтар гапи йўқмикан

## КЕЛИНЧАК, ҲОЙ КЕЛИНЧАК

Лайли юзин ҳар йигит туш кўради, келинчак,
Висол истаб нечалар туш кўради, келинчак,
Тушлар эмас, хаётда кўрсатинг бўй, келинчак,
Чиройингиз кўрмоқнинг ўзи бир тўй, келинчак.

Азал тақдир қиз бола палахмон тош бўларкан,
Борган жойида тинса бахти қуёш бўларкан,
Қадамингиз теккан жой гулга тўлсин, келинчак,
Сиздан ота–онангиз рози бўлсин, келинчак.

Йўлингизни пойлашиб олов ёқар болалар,
Ичдан сиртга чиқолмай бағрим эзар нолалар.

Олов кўкка интилиб айланади, келинчак,
Билмам, кимга кўнглингиз бойланади, келинчак.

Тоғдан тошлар қулайди, оқиб келар садолар,
Кўздан ешлар қулайди, қалқиб келар нидолар,
Хаёл сурган келинчак боқиб – боқиб боради,
Ошиқ Илҳом қалбини ўтда ёқиб боради.

Келинчак, ҳой, келинчак, қалбим олган келинчак,
Не ошиқлар дилига алам солган келинчак!

## СУЙИКЛИМ

Тупроқ дея ушлаганинг кулмиди,
Тикон дея ташлаганинг гулмиди,
Буюргани ё тақдирнинг шулмиди,
Ўзга уйга келин бўлган суйиклим!

Ҳақдан келган талаб шундай бўлдими,
Орзуларим ушалмай ё сўлдими,
Юрагингга алам сели тўлдими,
Ўзга уйга келин бўлган суйиклим!

Гуллар ичра доно гулим, дегандим,
Бу оламда тоза дилим, дегандим,
Йўлларингга туташ йўлим, дегандим,
Ўзга уйга келин бўлган суйиклим!

Онам айтар беҳуда кўп куйма, деб,
Вафоси йўқ ҳар санамни суйма, деб,
Ошиқликни Илҳом, ғамга йўйма, деб,
Ўзга уйга келин бўлган суйиклим

СУЙГАН САРИ

Куйдирамал ўшал қизни куйган сари,
Менга бодом қовоқларин уйган сари,
Йўлларига алвон – алвон гуллар сочиб,
Суйдирамал ўшал қизни суйган сари.

Жамолини кўриб неча кўзлар толди,
Кўп дилларда айтолмаган сўзлар қолди,
Кўнгил зори - чирқираган бўзлар олди,
Суйдирамал ўшал қизни суйган сари.

Алпомишга келбатингиз келмайди, дер,
Суйган билан кўнглингиз ҳеч тўлмайди, дер,
Эртакларда Тоҳир – Зуҳро ўлмайди, дер,
Суйдирамал ўшал қизни суйган сари.

Мажнун бўлдим қисматимдан айлаб фарёд,
Лайли қани, сўроглаб ҳеч солмайди дод,
Бу дунёда пишқсизлар кўп, барчаси ёт,
Суйдирамал ўшал қизни суйган сари

Бир ой юзни тушларимда согинаман,
Согинаман сочларини ўрган сари,
Дилдан кўчган қўшигимга овунаман,
Овунаман ўшал қизни суйган сари.

Суйдирамал ўшал қизни суйган сари,
Ноз - ла камов қошларини уйган сари,
Сулувларга кўзим – қирин ташлаб ўтиб,
Куйдирамал ўшал қизни куйган сари.

## ЭЙ, НАВРЎЗ

Қуёшнинг кулгуси авжида яна,
Қушлар нағмасида ажиб тантана,
Бағринг гулга тўлиб қайтдинг Ватанга,
Эй, Наврўз аталган улуғ айёмим!

Пойқадаминг доим қутлуғ келади,
Кунлар бир-биридан тотлиг келади,
Сўзлар ҳам юракдан ўтлиг келади,
Эй, Наврўз аталган улуғ айёмим!

Юзларда табассум — балқийди қуёш,
Кўзларда севинчдан ялтирайди ёш,
Сеҳрингдан ҳаттоки гулга кирар тош,
Эй, Наврўз аталған улуғ айёмим!

Бахт, зафарлар қучоқ очар юртимга,
Эрк сабоси ифор сочар юртимга,
Қувончларинг мангу кўчар юртимга,
Эй, Наврўз аталган улуғ айёмим!

## ҚИЗГИНА

Қора сочинг тўлқин бўлиб эшилиб,
Тўлғонганда белинг билан қушилиб,
Мен турибман сўз тополмай, шошилиб,
Бу ҳолимни кўриб кулдинг, қизгина.

Кўзларингдан олам маъно сезилар,
Рашки келиб минг бир Раъно эзилар,
Қанча сарвлар қадамингга тизилар,
Гўзалларга сардор бўлдинг, қизгина.

Камон қошга жоним қурбон этайин,
Телба бошим олиб қайга кетайин.

Рози бўлсанг, муродимга етайин,
Ўйларимда кетмай қолдинг, қизгина.

Ишқинг бошга минг савдолар солибдир,
Бардошсизлар азоблардан олибдир,
Илҳом энди Мажнунларга толибдир
Лайлидайин ақлим олдинг, қизгина.

ҚИЗҒАЛДОҒИМ

Борлиқ гўзал, кўркам эди, қизғалдоғим,
Кўнглимдаги эркам эди қизғалдоғим,
Оҳудайин дардларимни кўзга ютдим,
Дунё менга бир кам энди, қизғалдоғим.

Тош ойнада сочингизни тараб олинг,
Бўйингизга қайта – қайта қараб олинг,
Парво қилманг йиглаб қолса бир муҳаббат,
Келинликнинг иримини сўраб олинг.

Меҳрингизга тўйса – тўйсин ўша ҳовли,
Юрагимни ўйса – ўйсин ўша ҳовли,
Бардош бергил менга ўзинг, эй, худойим,
Илоиим у тўйлар кўрсин қўша, ҳовли

Энди фақат тушларимда кўрсам нетай,
Ой юзингиз шприн ҳаёл сурсам нетай,
Илҳом учун армон бўлган қизғалдоғим,
Ишқ даштидан сизни топмай юрсам нетай.

## ЎЙЛАМАЙ БЎЛМАС

Ўйламай деймасу ўйламай бўлмас,
Дилда ёттан дардинг сўйламай бўлмас.
Тарихим қатидан келган видога
Бўйламай десанг ҳам бўйламай бўлмас.

Қодирий кўксидан отганни нетай.
Усмон Носирини сотганни нетай.
Қабрда бегуноҳ ётганни нетай,
Ўтган умримизни ўйламай бўлмас

Чўлпон ўз дардини ҳамон сўзлайди.
Фитрат фарёдидан осмон бўзлайди.
Уларнинг қабрини замон излайди,
Ўтган умримизни ўйламай бўлмас.

Шафақ эмас, қонлар тупрогим безар,
Мозийдан Машраблар поласи келар,
Дунё ишларидан қай кўнгил тўлар,
Ўтган умримизни ўйламай бўлмас.

Еллар отам каби сочимни силар.
Юрагим ёш бўлиб кўзимдан қулар.
Фақат онам менинг умримни тилар,
Ўтган кунимизни ўйламай бўлмас

## ҲАЙРОН ЎЗИМ

Овутгали сўз тополмай ҳайрон ўзим.
Қир бағрида ял – ял синган алвон юзим,
Гуллар ичра сени суйдим, қизғалдоғим,
Кунда эмас, ойда эмас, сенда кўзим

Шаббамларга юзинг чайиб олгандайсан,
Тонгда ажиб кўйлак кийиб олгандайсан,

Сен ҳам мендай ошиқ бўлиб қолгандайсан,
Овутгали сўз тополмай ҳайрон ўзим.

Гоҳ қуёшга тобланасан қаддинг эгиб,
Тупроқларга эгиласан бошинг тегиб,
Тебранасан, ҳеч сўз айтмай, бағрим эзиб,
Овутгали сўз тополмай ҳайрон ўзим.

Қизғалдоғим, кўҳликкина юзинг зебо,
Бу дунёси, севишганга, бил, бевафо,
Иккимизга тутганлари бари жафо,
Овутгали сўз тополмай ҳайрон ўзим.

КУЙИНМА, ЁР

Рўмолингни ўйнар шамол пириллатиб,
Ўзга овул тўйи бошлабди гуруллатиб,
Ўтмиш сарп етаклайсан мени, жоним,
Ўтмиш турар юрагимни зириллатиб.

Кўча тўла ёш болалар чопишган – а,
Туяларга атлас – кимхоб ёпишган – а,
Мен – ку, сенга етишга йўл тополмадим
Оҳ, янгалар қандай кўнгил топишган – а

Пичирлашиб қизлар ҳайрон туришади,
Куёвнавкар довлар кўкрак керишади,
Куйинма ёр, бу оламда куйганлар кўп,
Дардларини ичига ютиб юришади

Кўзларингда маржон – маржон ешлар сизар,
Қўй, йиглама, кўз ёшларинг бағрим эзар,
Айрилиқнинг ўзи қурсин, ғами қурсин,
Юзимизга тарам – тарам сўқмоқ чизар.

x x x

Атлас кийган сарвинозим,
Богда гуллар саралайсан,
Майда — майда қадам ташлаб,
Дилгинамни яралайсан.

Богим ичра оралайвер,
Гулларимдан саралайвер,
Тил учида ёмонсиз деб,
Гул бахона, мўралайвер.

Ҳуснингга кун талашади,
Изингга гул қалашади,
Бу қарогу бу дудоқлар,
Факат сенга ярашади.

Атлас кийган сарвинозим,
Богда гуллар саралайсан,
Майда — майда қадам ташлаб,
Дилгинамни яралайсан

## ИШҚ НАВОСИСАН

Эй, қиз, малакка йўйдим,
Тўлин ойдек сени хўб суйдим.
Не ошиқлар оҳлар чекар — о,
Мен улардан минг бор кўп куйдим.

Сен қалбимнинг ёлгиз давоси,
Майин эсган севги сабоси,
Ой маҳлие гўзал ҳуснингга,
Сен булбулнинг тонгги навоси.

Ёнгинамда қолгил, малагим,
Кўнглимга қўл солгил, малагим,

Дарахтларни қучгандай сабо,
Оғушинга олгил, малагим.

Умр бўйи сени қуттай дил,
Ёрсиз аҳир қаён кетгай дил.
Илҳомга қалб розингни айтсанг,
Муродига шунда етгай дил.

СЕВАР ЁРИМ

Кўнгил узолмасман андин,
Соғинчга айланди борим.
Недир узилди бу жондин,
Қайларда ул севар ёрим.

Беҳабар қалбим зоридин,
Кечдим дуне бозоридин,
Минг ўргилай озоридин,
Қайларда ул севар ёрим.

Наҳот келмам уйларига,
Кўзларим зор бўйларига.
Бошим қўйгум пойларига,
Қайларда ул севар ёрим.

Ҳижронда қон ютар бўлдим,
Соғиниб хор ўтар бўлдим.
Армонда гул тутар бўлдим.
Қайларда ул севар ёрим.

Назар кутдим Оллоҳимдин.
Умрин тилай Паноҳимдин,
Тонглар уйгонур оҳимдин,
Қайларда ул севар ёрим.

## ЁРИНГИЗНИ АСРАНГ

Эгилади меҳр нури кўзларидан,
Бол томади сўзлаган ҳар сўзларидан.
Кўкда қуёш тафт олади юзларидан,
Ёрингизни жонингиздай асранг, дўстлар!

Сиз ким бўлманг, бегим дея ҳуш кўради,
Ўйламайди деманг, сизни туш кўради,
Умри бўйи пойингизга бош уради,
Ёрингизни жонингиздай асранг, дўстлар!

Лаблари бол, ширин сўзим, деб эркаланг,
Умрим гули сиз ёлгизим, деб эркаланг,
Дилимиздасиз оҳу кўзим, деб эркаланг,
Ёрингизни жонингиздай асранг, дўстлар!

Огир ботманг, кўз учида йиги турар,
Олмосдан ҳам ўткир тилда тиги турар,
Юрагида хайратдайин чўти турар,
Ёрингизни жонингиздай асранг, дўстлар!

Сўрагани сиздан фақат меҳр кўрсин,
Ёнингизда қуёшдайин чақнаб турсин,
Бир жон эмас, қирқ жони ҳам ризо бўлсин,
Ёрингизни жонингиздай асранг, дўстлар!

## ЮРТИМ СУЛУВЛАРИ

Кўзларингиз қаросидан кўз қамашган,
Қирқта кокил белингизга хўб ярашган,
Таърифингиз осмон билан кун талашган,
Кўз тегмасин сизга, юртим сулувлари!

Бол томади сўзлаган ҳар сўзингиздан,
Боққанда ой ҳижолатдир юзингиздан,

Офтоб ҳайрон эргашади изингиздан,
Кўз тегмасин сизга, юртим сулувлари!

Ҳижронида қуёш куйган, замин куйган,
Суйса агар минг йигитнинг мардин суйган,
Қошларига қўйса фақат ўсма қўйган,
Кўз тегмасин сизга, юртим сулувлари!

Йиғлатса ҳам арз қилмайди боласидан,
Не кўнгиллар ором олар алласидан,
Тонг мунаввар нигоҳининг шуъласидан,
Кўз тегмасин сизга, юртим сулувлари!

Молу давлат, жавоҳирни қилмас ҳавас,
Меҳру ишқдан бошқасига асло зормас,
Ёстиқдоши соғ—саломат бўлса шу бас,
Кўз тегмасин сизга, юртим сулувлари!

Осмонлардан тушиб келган ҳур ойимсиз,
Мажнун суйган Лайлидан ҳам мулойимсиз,
Бахтимизга омон бўлинг илойим сиз,
Кўз тегмасин сизга, юртим сулувлари!

КЎРГИМ КЕЛАР.

Гўзалим, сиз солланасиз юрган сари,
Кўнгил бергим келаверар берган сари .
Кўзгу бўлса кўз узмайсиз ўзингиз ҳам ,
Кўргим келар жамолингиз кўрган сари .

Сарвлардан андозадир қоматингиз,
Хаста жонга малҳам сизнинг суҳбатингиз,
Бизга нўқми бир заррача ҳимматингиз,
Кўргим келар жамолингиз кўрган сари

Изингизда моҳтобларнинг шуъласи бор,
Юзингизда офтобларнинг жилваси бор,
Кўзингизда юлдузларнинг ҳаваси бор,
Кўргим келар жамолингиз кўрган сари.

Бунча сулув яралгансиз қасдан ҳам,
Қизғанурман сизни еру осмондан ҳам,
Ошиқ Илҳом кечар бўлди шу жондан ҳам,
Кўргим келар жамолингиз кўрган сари.

x x x

Сиз кўрсатган йўлдан қуёшга етдим,
Фақат ҳақиқатнинг этагин тутдим,
Гарчи сиздан қанча олислаб кетдим,
Кўнглимга энг яқин навосиз, Она!

Дилли дилим ҳолин чақмоқ билмади,
Кўксимга ўт ёққан нигоҳ билмади,
Зулматда адашган титроқ билмади,
Руҳимни тўлдирган зиёсиз, Она!

Дунёнинг баланду пастида куйдим,
Дийдорнинг бир олис дастида куйдим,
Куйсам шу кўнглимнинг қасдида куйдим,
Ёлғиз сиз дардимга давосиз, Она!

Балолардан асрар дуоларингиз,
Умрим ёритган зиёларингиз,
Поклигу ростликдир опполарингиз,
Дунё ичида бир дунёсиз, Она!

## ЁНДИРАСИЗ

Кийганингиз атласмиди - зармиди.
Бошингизда дурмиди — укпармиди.
Дил севмаса шунча ўртанармиди —
Ёндирасиз, эркам менга қарамай.

Кўзингизда кўзларимнинг дарди бор.
Кўнглингизда ошиқ кўнгил зарди бор.
Кўчангизда изларимнинг гарди бор.
Ёндирасиз, эркам менга қарамай.

Кетар бўлсам изларимга қарарсиз.
Йиғлаб айтган сўзларимга қарарсиз.
Бир кун севиб, кўзларимга қарарсиз.
Жоним тўла озор: менга қарамай.
Куйдирасиз, дилдор, менга қарамай.

## КЎЗЛАРИНГДА ЯШАЙИН

Осмонимдан йироқ учган қушгинам,
Ишқим фақат сенга тушган, қушгинам
Кўнглим оҳи бутун барги ҳазондир.
Борлигимни соғинч қучган қушгинам.

Эшигингда юрак гадо, дил гадо,
Ҳижронингда жисмим айро, жон айро.
Ўшал пари руҳсорингни кўрсам, деб,
Руҳим ичра кезар ташна илтижо.

Айтгин, келар йўлингга жон тўшайин,
Жон етмаса майли жаҳон тушайин,
Икки дунём сенга бўлсин, дилдорим,
Мен бир лаҳза кўзларингда яшайин.

## ДАРЁ ДИЛИМ

Бевафо ёр ҳижровида жониng ҳалак,
Муҳаббатдан тилаганинг ўша малак,
Ул санамнинг ишқи бўлак, дарди бўлак,
Қўй, йиғлама, ёшинг садқа, дарё дилим.

Бизни қўйиб, бошқаларни сийлади ёр,
Ҳаммамизни мангу ҳароб айлади ёр,
Сочларига толеимиз боғлади ёр,
Сену менга бахт йўллари айро дилим.

Обод эдик, шу ишқ дея вайрон бўлдик,
Айрилиқнинг боғларида ҳазон бўлдик,
Ў, қанчалар доно эдик, нодон бўлдик,
Ошиқларга фақат армон дунё, дилим.

Жондан кечиб, санамдан кечолмадик,
Қулфи дилни рақиб очди, очолмадик,
Дийдор майин хўплаcак — да, ичолмадик,
Бошимизга тушди қандай савдо, дилим

Биз кетармиз, диддор қолсин ёши билав,
Бизни ёққан қаро кўзи, қоши билан,
Видо айтиб кўнглимизнинг тоши билан,
Ишқ юртига кетсак оқиб дарё билан,
Ошиқларга фақат армон—дунё, дилим

## ҒАРИБМАН

Гоҳ яхши, гоҳ ёмон бўлдим ўзим,
Гоҳ замин, гоҳ осмон бўлдим ўзим,
Рақиб жон талашган чарҳи дунда,
Ҳар доим ҳақ томон бўлдим ўзим
Мен ғариб, мен ғариб, мен ғарибман,
Саргардон жон ҳориб, мен ғарибман.

Росту ёлгонларга кўйди юрак,
Юлдузлардай гоҳида сўнди юрак,
Онамдай ҳокисор тупроқ аро,
Баъзида майсадай унди юрак.
Мен гариб, мен гариб, мен гарибман,
Саргардон жон ҳориб мен гарибман.

Қайгулар ичинда куйса жоним,
Қаҳ – қаҳлаб, кулса гар дунё—гавим,
Кўникмай бу дунё озорига,
Фалакда гирёндир руҳим маним
Мен гариб, мен гариб, мен гарибман,
Саргардон жон ҳориб, мен гарибман.

Умрдан тўкилган хазон ўзим,
Ҳақ келиб, кетгувчи ёлгон ўзим,
Согинчи куйдирган самоларнинг
Бемакон руҳимга макон ўзим
Мен гариб, мен гариб, мен гарибман,
Саргардон жон ҳориб, мен гарибман.

КЎЗЛАРИНГДА ҚОЛИБ КЕТАЙ
Согинчимнинг сабри йиглаган,
Олис дийдор қадри йиглаган,
Ишқимизнинг қабри йиглаган,
Кўзларингда қолиб кетай, ёр,
Кел кўнглимга, олиб кетай ёр

Юрагимнинг майхонаси у,
Умидимнинг кошонаси у,
Куйган кўнгил паймонаси у,
Кўзларингда қолиб кетай ёр,
Кел кўнглимга, олиб кетай ер

Сен билмассан кўксим тўла зор,

Жоним элар кўҳна чарх – бозор,
Ўшал ерут, ушал фусункор
Кўзларингда қолиб кетай, ёр,
Кел кўнглимга, олиб кетай ёр.

Ҳижронингда дил ҳоки туроб,
Жон ичидан тикарсан ҳижоб,
Эй кўзимни куйдирган офтоб,
Кўзларингда қолиб кетай, ёр,
Кел кўнглимга, олиб кетай ёр.

## УМР ОМОНАТ

КЎНГИЛ боғларидан турналар кетар,
Қасрлар, қадрлар, кулбалар кетар,
Эй, гул, қароғингдан сурмалар кетар
Фурсатлар қайтмагай, умр омонат!

Юракни ҳаволаб учар бир арчон,
Жон ичра жонингни кечар бир армон,
Сўнг бор йиғлаб, қабрингг қучар бир армон
Фурсатлар қайтмагай, умр омонат!

Буюк замонларнинг шиддати ўтар,
Дунёнинг соғинчи, сарвати ўтар,
Дилнинг йиллар аро даъвати ўтар –
Фурсатлар қайтмагай, умр омонат!

Мен оқар дарёман, изимга қайтар,
Ўтган баҳорида, кўзимга қайтар,
Худойим, сен мени ўзимга қайтар,
Фурсатлар қайтмагай, умр омонат!
Мен жонни бир ширин азобга бердим,
Умрни қоронғу саробга бердим,
Руҳимни бир ёрут итобга бердим,
Фурсатлар қайтмагай, умр омонат!

## БЎСТОНЛАРГА ҚАЙТИНГ, ГУЛИМ

Биз гулларни тилидаги азов бўлдик,
Сиз кулдингиз, биз қайгудан сўзон бўлдик,
Хажрингизда совурилдик - хазон бўлдик
Хазонларга қайтинг, гулим, хазонларга!

Мен дунёни согинч тўла йўлда кўрдим,
Неки кўрсам шул ишқпараст дилда кўрдим,
Андалиблар фарёдини гулда кўрдим,
Бўстонларга қайтинг, гулим, бўстонларга!

Богингизга етолмайин йўлим қолди,
Сочингизни силолмайин қўлим қолди,
Согинчингиз дилда дилбар, сўлим қолди,
Бўстонларга қайтинг, гулим, бўстонларга!

Гулим дедим, дилим дедим, куйди кўнгил,
Шу гулзордан сизни танлаб суйди кўнгил,
Бўйингизни райҳонларга туйди кўнгил
Бўстонларга қайтинг, гулим, бўстонларга!

## МЕН ЁЛГИЗ

Тунлар деразамдан мўралайди ой,
Мен каби бетаскин ҳамда уйқусиз.
Кимнидир талпиниб чорлайди, балки,
Осмонда ой ёлгиз, ерда мен ёлгиз!

Бу ойдин кечада дарахтлар ухлар,
Менинг согинчимни янгилар бир қиз.
Кимни согинганин билмайман, аммо,
Самода ой ёлгиз, ерда мен ёлгиз

Балки муҳаббатдан ёдгормикан у,
Кўксимни тўлдирган зим - зиё бир из,

Менга дардкашимдай тикилади жим,
Самода ой ёлгиз, ерда мен ёлгиз.

Юрагимга чўккан қоронгу туннинг
Киприги жонимни тиглайди беҳис,
Энтикиб тинглайман шивирларини.
Самода ой ёлгиз, ерда мен ёлгиз.

Саҳронинг кафтида оқарар ҳаёл,
Майсалар энтикар беун ва маъюс.
Руҳимда титрайди паришон ўкинч,
Қайдадир ой ёлгиз. Ерда мен ёлгиз...

x x x

Қисмат йўлларида дунёга келдик,
Қоронгу кечадан зиёга келдик,
Ёруг ишқинг билан навога келдик.
Ўзинг паноҳингда асра, Оллоҳим!

Гоҳ ҳушёр, гоҳида басир бўлдик биз,
Ҳастнинг гулига асир бўлдик биз,
Ернинг кўзларида бир сир бўлдик биз,
Ўзинг паноҳингда асра, Оллоҳим!

Тогларинг пойига чўкди замонлар,
Қўнгироғин чалиб ўтди карвонлар,
Бизни олиб кетар бир армонлар,
Ўзинг паноҳингда асра, Оллоҳим!

Бир эл бор, юраги кўкдай бегубор,
Унинг Ватанидан бошланмиш баҳор,
Алп деган ўтлиғ Барчин қизи бор,
Ўзбекнинг дардидан арит, илоҳим,
Ўзинг паноҳингда асра, Оллоҳим!

ОҚИБАТ

Кўрдим, бир тош чумолини ногаҳон босди,
Барчасига оғир экан бундайин дамлар.
Тош тагидан тезроқ олиб кетмоққа шошди,
Оқибатни чумолида кўрдим, одамлар!

Ҳийла билан дўстга бағир очмайди улар,
Ширин тилдан заҳар – заққум сочмайди улар,
Оғир кунда қўл чўзишдан қочмайди улар.
Оқибатни чумолида кўрдим, одамлар!

Тупроқларга оёқ изи ботмас уларнинг,
Ботирлари бир – бирини сотмас уларнинг,
Ожизи ҳам пана жойда ётмас уларнинг,
Оқибатни чумолида кўрдим, одамлар!

Тизилишиб қаторларин жонга тўлдирар,
Инларини ризқу рўзи – донга тўлдирар,
Митти демант, ўтган умрин шонга тўлдирар,
Оқибатни чумолида кўрдим, одамлар!

Чумолининг камбағали, бойлари йўқдир,
Тўйлар учун безатилган тойлари йўқдир,
Маккаси ҳам тупроқ – ўзга жойлари йўқдир.
Оқибатни чумолида кўрдим, одамлар!

Мен билганим одамларда оқибат камдир,
Бир – бирига келтиргани севинчмас, ғамдир,
Меҳр топмай бу оламда кўзлари намдир,
Оқибатни чумолида кўрдим, одамлар!

Дил ўртаниб, кирай дедим, ерга сиғмадим,
Остонадир Илҳом жони, турга сиғмадим,
Сен - ла мени кўммадилар, гурга сиғмадим,
Оқибатни чумолида кўрдим, одамлар!

## ЖОНОНА ҚИЗ

Жонона қиз, жонона,
Боқишларинг чиройли,
Кундай кулиб, бағримни
Ёқишларинг чиройли.

Айланайин, қоракўз,
Ёниб турган кўзингдан.
Оҳ, мени мафтун этган
Болдан ширин сўзингдан.

Сенга интиқ жонимни
Тўшай деймай йўлингга.
Ишқимни атиргулдай
Тутсам деймай қўлингга.

Армон тоши тегирмон—
Юрагимни эзмагил,
Ошиқ қалбимни ташлаб,
Ўзга боғда кезмагил.

Кулиб келсанг ёнимга
Дилимга тўлар қувонч,
Юлдузлардай сирлашиб
Кўзимиз сочар севинч.

## ЎЗ ЁРИМ БОР

Нигоҳингиз менга қадаб эркаламанг,
Мени ўзга гулбоғларга етакламанг,
Сиз томонга қарамасам ўпкаламанг,
Сизга ёлғон афсоналар сўйламайман,
Ўз ёрим бор, ўзга ёрни ўйламайман.

Йўлларимни пойлаб, ўзни сарсон қилманг,
Гулдай нафис дилингизни вайрон қилманг,
Муҳаббатда адашиб, сўнг армон қилманг,
Сизга ёлғон афсоналар сўйламайман,
Ўз ёрим бор, ўзга ёрни ўйламайман.

Ҳар кун кутар мени ўшал меҳрибоним,
Ишқ нуридан яшнагувчи гулистоним,
Жон ичида асраганим ширин жоним,
Ўз ёрим бор, ўзга ёрни ўйламайман.
Сизга ёлғон афсоналар сўйламайман.

## КЕЛДИМ СЎРОҚЛАБ

Ёр, кўчангдан бўйлаб – бўйлаб ўтдим мен,
Ошиқлигим сўйлаб – сўйлаб ўтдим мен,
Бўйларингни ўйлаб – ўйлаб ўтдим мен,
Эй, Моҳитоб, келдим сени сўроқлаб.

Эшигингни очгил, қувонсин диллар,
Бир – бирига мангу туташсин қўллар,
Орзу – ҳавасларга мўл бўлсин йўллар,
Эй, Моҳитоб, келдим сени сўроқлаб.

Бир кам дунё асли тошга бой экан,
Вафоси йўқ қаламқошга бой экан,
Маъюс боққан кўзлар ёшга бой экан,
Эй, Моҳитоб, келдим сени сўроқлаб.

Ул малак сиймога етсин бу оҳим,
Севишганни ўзинг асра, Оллоҳим,
Илҳом учун фақат ўзинг паноҳим,
Эй, Моҳитоб, келдим сени сўроқлаб.

## НОЗ ҚИЛАСИЗ

Ноз қиласиз кулиб — кулиб,
Юрак - бағрим тилиб тилиб,
Ҳаммани кўрган кўзингиз,
Мени кўрмас билиб — билиб.
Сиз ҳам худонинг бир қули,
Биз ҳам худонинг бир қули.

Омон бўлсин шул бошингиз,
Ёйдай эгилган қошингиз,
Атай қарамай ўтасиз,
Ҳилолму ё сирдошингиз?!
Сиз ҳам худонинг бир қули,
Биз ҳам худонинг бир қули.

Юзгинангиз ширмондайин,
Қалбгинамга дармондайин,
Ширин жовим тикдим мен,
Ошиғингиз бир мандайин.
Сиз ҳам худонинг бир қули,
Биз ҳам худонинг бир қули.

Гуллолалар бўстонга жой,
Қайғуларим достонга жой,
Бағри куйган бир мен бўлай,
Илҳом учун осмонда ой.
Сиз ҳам худонинг бир қули,
Биз ҳам худонинг бир қули

х х х

Юлдузман — нурини сенга асраган,
Қуёшман — тафтини тунга асраган,
Исёнман — оловин хунга асраган,
Мени самолардан сўраб ол, малак,

Ишқимни жонингта ўраб ол, малак!
Мен сенинг дийдоринг бирла ободман,
Шаворлан, шароринг бирла ободман,
Беқарор қароринг бирла ободман,
Мени оташлардан сўраб ол, малак,
Ишқимни жонингта ўраб ол, малак!

Хотир дарахтингда гулдай очилгум,
Қадаҳ шаробимни бедил ичилгум
Занжирбанд жунунман, ишқ – ла кучилгум,
Мени кишилардан сўраб ол, малак,
Ишқимни кўксингта ўраб ол, малак!

х х х

Дардим айтсам саҳроларда хорлар куйди
Меҳр сўраб, тилагувчи зорлар куйди,
Дилни савдо қилгувчи бозорлар куйди,
Куймаган ким қолди, яна кимлар қолди!

Биз кетармиз росту ёлгон дунёларга,
Гоҳ ишониб алдангувчи рўёларга,
Руҳимизда қалқиб турган зиёларга,
Куймаган ким қолди, яна кимлар қолди.

Келган эдик бу дунёга ошиқ бўлиб,
Қолармиз бир юракда қўшиқ бўлиб,
Куйлармизни гам бўгзида тўлиб – тўлиб,
Куймаган ким қолди, яна кимлар қолди.

Жаннат боғин кўшкидаги хурлар қани?
Куйларида шода - шода дурлар қани?
Кетар чоги кўзлардаги нурлар қани?
Куймаган ким қолди, яна кимлар қолди.

x x x

Сизнинг сурган ҳаёлингиз ёлғон экан,
Хаёллардан сурилдик биз, хаёллардан!
Увол кетган ишқингизнинг жавобини
Саволлардан изланг энди саволлардан!

Тун алқаган висолимиз ёлғон экан,
Ҳижронлар ҳам ҳайдаб солди ёлғизликка.
Бизнинг дилшод бўлмоғимиз гумон экан.
Аллақачон кўникдим мен сизсизликка.

Бир дил бўлса овутарман ўзим суйиб.
Боринг, нурга белансин ҳур хаёлингиз.
Ўша ёлғон бахтингиздан кечганман мен,
Ўзингизга насиб қилсин иқболингиз.

Қисматларнинг амри учун вожиб бўлдим,
Тақдирнинг бор азияти осмон экан.
Бахтсизликда бахти ёру нажиб бўлдим.
Эй, ёр, сизнинг наздингизда ёмон бўлдим..
Бизнинг дилшод бўлмоғимиз гумон экан.

x x x

Кенгликлар кўксидан талпиниб,
Мастона видолар қайтади.
Шул азиз ёдингга топиниб,
Юракка сазолар қайтади.

Гуноҳкор юракка аталган
Бегунох жазолар қайтади.
Умр бомдодида ўқилмай қолган.
Суннатий қазолар қайтади

Наргиснинг кўзида эриган,
Сабуҳий наволар қайтади.
Дилим, сен ўзингга қайтмасанг,
Дилобод хатолар қайтади.

Қайтмайди ул оташ нигоҳлар,
Қаҳрли ялдолар қайтади.
Ишқингда дунёдан аразлаб,
Дунёга дунёлар қайтади.

Видодил дунёнинг ишқида,
Кўнгилга нидолар қайтади.
Сен агар ўзингга қайтмасанг,
Умрингга хатолар қайтади.

СИНГИЛЖОН

Самода порлаган юлдузлар ҳаққи,
Ғам билан саргайган ой юзлар ҳаққи,
Ўзига ўт қўйган ҳур қизлар ҳаққи,
Фақат сен ўзингни асра, сингилжон!

Сен яшайсан – мангу садоқат яшар,
Ҳар бир дилда меҳр ҳам шафқат яшар,
Сен яшасанг – мангу муҳаббат яшар,
Фақат сен ўзингни асра, сингилжон!

Сен яшашинг керак: бизлар учун ҳам,
Виждонини сотган юзлар учун ҳам,
Эркни кўролмаган кўзлар учун ҳам,
Фақат сен ўзингни асра, сингилжон!

Турк ўғлони тирик – тирик авлодим,
Ҳасратларим қонда, қонимда додим,
Биз бўлиб отилар бир кун фарёдим,

Фақат сен ўзингни асра, сингилжон!
Эртага улғаяр минглаб Рустаминг,
Дунёда бўлмайди сенинг ҳеч каминг,
Тарихда ёзилар ТУРКИСТОН номинг.
Фақат сен ўзингни асра, сингилжон!

## КИМДАН ҚАЛБГА МАЛҲАМ ТИЛАЙИН!

Сенингсиз гам тўла сўзим кулмайди,
Дард ила сарғайган юзим кулмайди,
Мотам тутган икки кўзим кулмайди,
Кимдан қалбга малҳам тилайман, ё раб!

Йўлим тупрогига осмон бош қўйса,
Умидим йўлига нокас тош қўйса,
Тақдир ҳам қўшилиб багримни ўйса,
Кимдан қалбга малҳам тилайман, ё раб!

Ҳатто малаклар ҳам рашк қилар, билмайсан,
Айрилиқ багримни тилар, билмайсан,
Ишқсизлар шодланиб кулар, билмайсан,
Кимдан қалбга малҳам тилайман, ё раб!

Сенингсиз кўзларим зор бўлиб ўтар,
Ғамингга бу замин тор бўлиб ўтар,
Азоб - Илҳом учун ёр бўлиб ўтар,
Кимдан қалбга малҳам тилайман, ё раб!

x x x

Жоним дея фидо, муҳаббат,
Менман булун гадо, муҳаббат,
Сабрим этди адо муҳаббат,
Этак силтаб кетан, эй, дил!

Чуқур ўйда қолди бу юрак!

Ёлғонлардан толди бу юрак,
Ишқсиз дунё бизга не керак,
Этак силтаб кетайлик, эй, дил!

Ул қаламқош экан тошбағир,
Ишқ ҳам сағир, дил, сен ҳам сағир,
Бошга тушган бу савдо оғир,
Этак силтаб кетайлик, эй, дил!

Бир дилдор йўқ ўзингдан бўлак,
Дилга малҳам сўзингдан бўлак,
Сенинг хумор кўзингдан бўлак,
Этак силтаб кетайлик, эй, дил!

## КУЙИБ ҚОЛМА

Бой қизлари олли бўлар,
Ой юзлари холли бўлар,
Вужудингга титроқ солиб,
Ширин тили болли бўлар,
Ҳой, укажон, суйиб қолма,
Сен ҳам мендек куйиб қолма!

Қўлинг чўзма, ой тегмайди,
Тўрдан сенга жой тегмайди,
Ташнозгинанг лабин бостан
Пиёладан чой тегмайди.
Ҳой, укажон, суйиб қолма,
Сен ҳам мендек куйиб қолма!

Дастурхонни тўлдиради,
Миннат қилиб ўлдиради,
Мағрур қаддинг дол этиб ул,
Эл олдида сўлдиради.
Ҳой, укажон, суйиб қолма,
Сен ҳам мендек куйиб қолма!

Уасиз дамни дам демассан,
Бўзлаб, кўзим нам демассан,
Борки жаҳон жабрин тортиб,
Илҳом каби ғам емассан.
Ҳой, ухажон, суйиб қолма,
Сен ҳам мендек куйиб қолма!

## ЁР, ЎЗИНГИЗ

Ошиқ бўлдим ерннинг ширин сўзларига,
Тўймайман ҳеч боқиб лола юзларига,
Жоним фидо айлай қора кўзларига,
Юрагимни ўртагувчи зор ўзингиз,
Кўзларимда, сўзларимда, ёр, ўзингиз!

Хаёлларим дарёсида оқасиз, Сиз,
Оҳ, дилимга мунча ғамлар тақасиз, Сиз,
Мен ёқмасам, майли, менга ёқасиз, Сиз,
Юрагимни ўртагувчи зор ўзингиз,
Кўзларимда, сўзларимда, ёр, ўзингиз!

Ўйлаймана ўйларимга ғамлар ботар,
Вужудимга азоб солар қатор - қатор,
Ёришмас дил, ким учундир тонглар отар,
Юрагимни ўртагувчи зор ўзингиз,
Кўзларимда, сўзларимда, ёр, ўзингиз!

Неча бора бошим урдим тошларга – ей,
Кўзларимни тутиб бердим ёшларга – ей,
Ошиқ Илҳом боқмас қаламқошларга – ей,
Юрагимни ўртагувчи зор ўзингиз,
Кўзларимда, сўзларимда.ёр, ўзингиз!

## СУЯЙ ЎЗИМ

"Ойдан гўзал, кундан гўзал" малагимсан,
Гўзалларнинг ичида ҳам бўлагимсан
Орзуимсан, етолмаган тилагимсан,
Алда, майли, алданиб ҳам куяй ўзим,
Кўзларингга, богланиб ҳам суяй ўзим!

Хаёл бўлиб осмонингда учиб юрсам,
Умрим бўйи тушларимда қучиб юрсам,
Илоё кўз тегмасин деб чўчиб юрсам,
Алда, майли, алданиб ҳам куяй ўзим,
Кўзларингга, богланиб ҳам суяй ўзим!

Сирли мунглар тўкилади кўзларимдан,
Қаламқошлар боқиб қолар изларимдан,
Неча диллар шодланади бўзларимдан,
Алда, майли, алданиб ҳам куяй ўзим,
Кўзларингга, богланиб ҳам суяй ўзим

Ошиқларнинг орзуси сен, малагимсан,
Саҳар пайти очилаган гул юрагимсан,
Ошиқ Илҳом етолмаган тилагисан,
Алда, майли, алданиб ҳам куяй ўзим,
Кўзларингга, богланиб ҳам суяй ўзим!

## СЕНИ СОҒИНАМАН

Тинимсиз васлингни тилайди юрак,
Айтганинг бўлсин деб йиглайди юрак,
Азобларда багрин тиглайди юрак,
Сени согинаман дилим ўртаниб,
Куйиб яшашга ҳам қолдим ўрганиб.

Баҳор зумрад гилам билан ўраса,

Очилган чечаклар сени сўраса,
Дўстлар маъюс боқиб, ерга қараса,
Сени соғинамап дилим ўртаниб,
Кулиб яшашга ҳам қолдим ўрганиб.

Бу олам недир — ей, унутсам — кетсам,
Тоғу тош оралаб васлингга етсам,
Қанийди дунёдан армонсиз ўтсам,
Сени соғинамап дилим ўртаниб,
Кулиб яшашга ҳам қолдим ўрганиб.

Ишон, гуноҳ йўқдир асло ўзингда,
Табиат яратган хумор кўзингда,
Айрилиқ дарди бор, Илҳом, бўзингда,
Сени соғинамап дилим ўртаниб,
Кулиб яшашга ҳам қолдим ўрганиб.

## СЎРАЙ, ГУЛИМ

Бир париваш хаёлимни олиб ўтди,
Йўлларини тўсай десам етмас қўлим,
Юрагимга ишқ оташин солиб ўтди,
Маконинг айт, излаб — излаб борай, гулим,
Ойданми ё юлдузлардан сўрай, гулим?!

Оҳлар чексам, йўлларингга чироқ бўлса,
Ғаму фироқ ой юзингдан йироқ бўлса,
Мажнунтоллар сочларингга тароқ бўлса,
Маконинг айт, излаб — излаб борай, гулим,
Ойданми ё юлдузлардан сўрай, гулим?!

Ёмғир бўлиб, даво келса қувлама, ёр,
Ишқим сўйлаб сабо келса, қувлама, ёр,
Бағрин тилиб, гадо келса қувлама, ёр,
Маконинг айт, излаб — излаб борай, гулим,
Ойданми ё юлдузлардан сўрай, гулим?!

Бири ҳулкар, бири қамар, қизлар қолди,
Изларида ширин – шакар нозлар қолди,
Ошиқ Илҳом кўзларида бўзлар қолди,
Маконинг айт, излаб – излаб борай, гулим,
Ойданми ё юлдузлардан сўрай, гулим?!

## БАХТЛАР ТИЛАЙ

Тангри сени қучоғимдан олиб қўйди,
Оҳ, дилимга қайғу – алам солиб қўйди,
Суйганимни ғанимлар ҳам билиб қўйди,
Хумор кўзли ёрим, сенга бахтлар тилай,
Изларингда гуллар унсин, тахтлар тилай!

Юрак энди йўлингдаги соядир, ёр,
Ғамлар изинг етмас балаид қоядир, ёр,
Ошиқларни юрак – бағри куядир, ёр,
Хумор кўзли ёрим, сенга бахтлар тилай,
Изларингда гуллар унсин, тахтлар тилай!

Бахтни қучиб қўйган бағир бир мен эмас,
Ишқи сағир, дили сағир бир мен эмас,
Тўй кечангда куйган ахир бир мен эмас,
Хумор кўзли ёрим, сенга бахтлар тилай,
Изларингда гуллар унсин, тахтлар тилай!

Ёр – ёр айтиб, қизлар мендан кулар бўлди,
Куёв бола кўнгли шоод тўлар бўлди,
Ошиқ Илҳом азобларда сўлар бўлди,
Хумор кўзли ёрим, сенга бахтлар тилай,
Изларингда гуллар унсин, тахтлар тилай!

## СЕЗМАСИН ЁРИМ

Ёр жамоли жонимга гавголар солди,
Юздаги дона холи ақлимни олди.
Термулиб йўлларига кўзларим толди,
Дилим куйганлигини сезмасин ёрим,
Ишқ боғида саргардон кезмасин ёрим!

Оқ, бу дунё туйнуксиз қаср бўлди – ку,
Вужудим шу зулматга асир бўлди – ку,
Кўнгилга кўмдим, ишқни бир сир бўлди – ку,
Дилим куйганлигини сезмасин ёрим,
Ишқ боғида саргардон кезмасин ёрим!

Ғуссага тўлди юрак, очолмасман – ей,
У л париваш васлидан кечолмасман – ей,
Ҳийлакор фалак сирин ечолмасман – ей,
Дилим куйганлигини сезмасин ёрим,
Ишқ боғида саргардон кезмасин ёрим!

Дардларимни ютдиму ўзимга олдим,
Кеча – кундуз номини сўзимга олдим,
Дунё гамини, дўстлар, кўзимга олдим,
Ошиқ Илҳом кўнглини сезмасин ёрим,
Ишқ боғида саргардон кезмасин ёрим!

## СЕНИ ИЗЛАБ ТОПАРМАН

Қайдан олдинг бу лабларни мазали,
Табиатни яратгани, гўзали,
Онангнинг сен суюклиси азали,
Дилим куйиб, рангим бўлди нопармон,
Кун келади, сени излаб топарман.

Ёр кетди деб ташламагин элингни,

Кўзинг ёшлаб, тошламагин йўлингни,
Оҳ, толдим, деб ушламагин белингни
Дилим куйиб, рангим бўлди нопармон,
Кун келади, сени излаб топарман.

Йўлин пойлаб умрим ўтди, демагин,
Номардларни йўлин тутди, демагин,
Мендан кечиб бесас кетди, демагин,
Дилим куйиб, рангим бўлди нопармон,
Кун келади, сени излаб топарман.

Сочларимда армон изи, йил йиғлар,
Овутолмай малҳам излаб, дил йиғлар,
Илҳом бўлиб, соғинч йиғлар, тил йиғлар,
Дилим куйиб, рангим бўлди нопармон,
Кун келади, сени излаб топарман.

## ҚАРАЙДИ ҚИЗ

Жон олгувчи кўзлар шунча қорамикин,
Тутган гули гуллар ичра сарамикин,
Менинг каби ёрнинг дили ярамикин,
Кўз остидан менга кулиб қарайди қиз,
Кўнгил берсанг, кўнглим маним яйрайди, қиз.

Лол қолибман гулнинг нозли қарашига,
Сўз қотмасдан нигоҳи - да сўрашига,
Ишқ ўтини юрагимга ўрашига
Кўз остидан менга кулиб қарайди қиз,
Кўнгил берсанг, кўнглим маним яйрайди, қиз.

Адашаркан билиб – билмай ахир банда,
Ковриларкан ўзи куйиб, ўзи танда,
Ўз умрини ўзи қилиб пароканда,
Кўз остидан менга кулиб қарайди қиз,
Кўнгил берсанг, кўнглим маним яйрайди, қиз.

Мафтун этган қора қошлар, қайрилма қош,
Ақлим олган ул сулувнинг юраги тош,
Ўйламагин, Илҳом кўзи азалдан ёш,
Кўз остидан менга кулиб қарайди қиз,
Кўнгил берсанг, кўнглим маним яйрайди, қиз.

## ЎЙЛАМА

Сой бўйида хаёлга бош қўяди дил,
Тақдирингни ўйлаб шўрлик, куяди дил,
Кўзёш тўкиб, булоқ бағрин ўяди дил,
Йиллар, билсанг, фироқ экан, ўйлама қиз,
Бахт азалдан йироқ экан, ўйлама қиз.

Онанг қолар, йиғламагин қизим, деб – ей,
Сен бўлмасанг йўқолади изим, деб – ей,
Худо ўзи берсин сенга тўзим, деб – ей,
Йиллар, билсанг, фироқ экан, ўйлама қиз,
Бахт азалдан йироқ экан, ўйлама қиз.

Кетар чоғинг қайрилмасдан, қарамай кет
Майли, қолим ўзгалардан сўрамай кет,
Йўлларингга мунгли ўйлар ўрамай кет,
Йиллар, билсанг, фироқ экан, ўйлама қиз,
Бахт азалдан йироқ экан, ўйлама қиз

Ишқим дея, дилга ғубор олмагин, ёр,
Аччиқ – аччиқ ёшлар тўкиб толмагин, ёр,
Ошиқ Илҳом уволига қолмагин ёр,
Йиллар, билсанг, фироқ экан, ўйлама қиз,
Бахт азалдан йироқ экан, ўйлама қиз.

## ОЙБАРЧИНЛАР

Сулувликда ойдан гўзал малакларсиз,
Тили ширин асалларсиз, Ойбарчинлар.
Ошиқларга етолмаган тилакларсиз
Қўшиғу куй, ғазалларсиз, Ойбарчинлар,
Тили ширин, асалларсиз, Ойбарчинлар!

Йўлимиздан тойдирган ҳам ўзингиз – ку,
Жисмимизни куйдирган ҳам ўзингиз – ку,
Суймай десак, суйдирган ҳам ўзингиз – ку,
Қўшиғу куй, ғазалларсиз, Ойбарчинлар,
Тили ширин, асалларсиз, Ойбарчинлар!

Сиз кулсангиз дилга зиё олгайдирмиз,
Кўз ёшингиз кўрсак ночор қолгайдирмиз,
Нечун бизга хушсиз дея толгайдирмиз,
Қўшиғу куй, ғазалларсиз, Ойбарчинлар,
Тили ширин, асалларсиз, Ойбарчинлар!

Қадрлғочга ошиқ бўлсак – куярсизму,
Ўртаниб дил, бағрингизни ўярсизму,
Келбатимиз Алпомишга йўярсизму,
Қўшиғу куй, ғазалларсиз, Ойбарчинлар,
Тили ширин, асалларсиз, Ойбарчинлар!

Пешонангиз очсин толе, бахт тилаймиз,
Барчинларга хос Сизларга аҳд тилаймиз,
Остонаси тиллолардан тахт тилаймиз,
Қўшиғу куй, ғазалларсиз, Ойбарчинлар,
Тили ширин, асалларсиз, Ойбарчинлар!

ЁРИМ

Нозокатда тўлиб турибди,
Юзлар олма бўлиб турибди,
Тўлин ойдай кулиб турибди,
Юрагимда ўчмаган зорим,
Менга насиб этмаган ёрим!

Сувлар оқар ўйноқлаб сойда,
Ўзинг каби сарвиноз қайда?
Дил булбулдай бўлган – ку шайдо,
Юрагимда ўчмаган зорим,
Менга насиб этмаган ёрим!

Кўзингдан ҳам қорадир кунлар,
Қалбимдаги ярадир унлар,
Сени чорлар юлдузли тунлар,
Юрагимда ўчмаган зорим,
Менга насиб этмаган ёрим!

Бағрингдаги тиканми, гулми
Ёр, қўлимга тутганинг кулми,
Ё тақдирнинг жазоси шулми?
Юрагимда ўчмаган зорим,
Менга насиб этмаган ёрим!

Девона ишқ қайнарга бошлар,
Орзуларим йўлимни тошлар,
Соғинч Илҳом кўзини ёшлар,
Юрагимда ўчмаган зорим,
Менга насиб этмаган ёрим!

## КЕЧИР МЕНИ, ЮРАГИМ

Бу дунёга келиб, сен бир очилиб кулмадинг,
Қувончга тўлиб юзинг, бир сочилиб кулмадинг
Кўрганинг қайғу бўлди, бахт нелигин билмадинг.
Кечир мени, юрагим, бағри пораларинг – чун.

Қаён боқсам дуч келдим ярали бағрларга,
Тўзим тилаб толедан, суяндим сабрларга.
Ғамларим кўмай десам сиғмайди қабрларга,
Кечир мени, юрагим,битмас яраларинг – чун.

Ҳақиқат деб кўксига урувчилар кўп бунда,
Оқибат, эътиборни унутганлар тўп бунда,
Улар яхши одамлар ухлаган чоғи тунда,
Кечир мени, юрагим, кўнгли қораларинг – чун.

Эл оғригин дилига олганнинг бири менман,
Иложсизга айланиб қолганнинг бири менман,
Бу бевафо дунёда толганнинг бири менман.
Кечир мени, юрагим,келмас чораларинг – чун.

Иш қулига айландим, ҳатто ҳолинг сўролмай,
Нурли келажак йўлин йўқотганман кўролмай,
Бахт шамси кетиб борар – кўзим ундан нур олмай,
Кечир мени, юрагим, олис ораларинг – чун.

Қўй, ўксинма, қалбимни тошларга ериб ўтгум,
Кўздаги армонларни ёшларга қориб ўтгум,
Ортимда ғам қолдирмай барчасин олиб кетгум,
Кечир мени, юрагим, оҳу зораларинг – чун.

## СЕН ЭСА БИЛМАЙСАН

Куйманар гоҳида юрагим.
Кимгадир борми деб керагим.
Ўзингдан келади сўрагим.
Қалбимда сўнмаган газалим,
Сен эса билмайсан, гўзалим!

Согинчлар багримни тилади.
Ҳар бир кун сочимни юлади.
Багри тош малаклар кулади.
Қалбимда сўнмаган газалим,
Сен эса билмайсан, гўзалим!

Йўлингда кўзларим толди – ей,
Кўрганда суйиниб қолди – ей,
Дилгинам куйиниб қолди – ей,
Қалбимда сўнмаган газалим,
Сен эса билмайсан, гўзалим!

Сочингга кўмилсам биргина,
Кўзингдан жой олса сиргина,
Илоё чўчимай тургина.
Қалбимда сўнмаган газалим,
Сен эса билмайсан, гўзалим!

Муҳаббат ўлмагай аҳд, билдим,
Ишқсизни – омонат тахт билдим.
Ошиқлик – Илҳомга бахт, билдим.
Қалбимда сўнмаган газалим,
Сен эса билмайсан, гўзалим!

## КУЙЛАГАЙ МУҲАББАТИМ

Бир бағри тош, нетай бағрим тилиб кетди.
Алвидо, деб айтмай мендан кулиб кетди,
Дунё ғами чўмган маним кўл — кўзимдан,
Аччиқ ёшлар ситилишин билиб кетди.

Ачингайман, ўртада ишқ йўқ бўлди, деб,
Ўзим суйган кўзлар менга ўқ бўлди, деб,
Тоқатимга тўзим тилай, раҳмдилдан,
Ишқсизларин кўнгли шояд тўқ бўлди, деб.

Ҳар қандай дил жароҳати битар бир кун,
Мени ҳам қай меҳригиё кутар бир кун,
Қийноқларда тобланган шул ишқнинг қули,
Мағрур юриб, ёр, кўчангдан ўтар бир кун.

Суйиб, суйгун бўлмаган ул, Муҳаббатим,
Уюм тупроқ, уюлган кул, Муҳаббатим,
Барча оғир, оғриқли кун ортда қолди.
Илҳом бўлиб, куйлагай шул, Муҳаббатим.

## СЕНДА КЎРДИМ

Сенга боқиб, мен ўзимни тунда кўрдим,
Айрилиқни жигар — бағри кунда кўрдим.
Чўтлар енган кўзларингда мунглар сизар,
Ишқдан тонган дил зорини шунда кўрдим.

Завққа тўлиб кетганингда кулиб – кулиб,
Иложсиз тош қотган эдим, кўтлим тўлиб,
Дилга қайғу қуйилганди дарё бўлиб,
Ишқдан тонган дил зорини кунда кўрдим.

Яшаяпман қарамай не ой юзларга,
Дардларимни сездирмасдан ёз, кузларга,

Юрагимнинг тафтин ол, деб юлдузларга,
Ишқдан тонган дил зорини тунда кўрдим.

Бевофолар чеккан оҳи ёлғон оҳдир,
Нигоҳларин тупроқ тортмас, қалби чоҳдир,
Муҳаббат йўқ деганларга сен гувоҳдир,
Илҳом чеккан дил зорини сенда кўрдим.

СУЙИНГИН, ЁР!

Мактубингдан дил розингни сезиб келдим,
Ойга айтган аҳдларимни бузиб келдим,
Тоғдай бир дард юрагимдан тукилди, ёр,
Қалбимга ишқ дурларини тизиб келдим!

Баҳордаги бойчечакдай шошди юрак,
Бойчибордай довонлардан ошди юрак,
Соғинчларин қучоғига сиғдиролмай,
Дарёдайин қирғоғидан тошди юрак!

Муҳаббатга тўлиқ дилни осиб бўлмас,
Чўтдан ўсиб чиққан тилни кесиб бўлмас,
Поёнсиз ишқ саҳросини макон этган,
Ошиқларни йўлларини тўсиб бўлмас!

Кўчангдаги ботиқ излар – изларим бил,
Эшигингни турткилаган кўзларим, бил.
Ой юзингта ярашган ул холинг кўриб,
Ишқ дардида қалтираган сўзларим, бил!

Дилгинангга қуйилса ишқ, суйингин, ёр,
Орзу тўлиб, суйилса ишқ, суйингин, ёр,
Бунда кўплар муҳаббатдан юзин бурган,
Илҳом келиб, тўйинса ишқ, суйингин ёр!

## СЕВАМАН, ДЕБ АЙТМАДИМ

Гулга битдим ишқимни, моҳим,
Кўкда қуеш менинг гувоҳим,
Юлдузлардай мўлтирар оҳим,
Севаман, деб айтмадим, йўқ,йўқ,
Ишқ йўлидан қайтмадим, йўқ,йўқ!

Достон айлаб васлингни, куйдим,
Сен малакни қайдан ҳам суйдим,
Чўт тигида бағримни ўйдим,
Севаман, деб айтмадим, йўқ,йўқ,
Ишқ йўлидан қайтмадим, йўқ,йўқ!

Жоним десам, ўзинг жайрон – а,
Атрофимда дардлар парвона,
Ҳолим кўриб ой ҳам ҳайрона,
Севаман, деб айтмадим, йўқ,йўқ,
Ишқ йўлидан қайтмадим, йўқ,йўқ!

Юрсам йўлим адо бўлмади,
Кутдим, сендан садо бўлмади,
Илҳом каби гадо бўлмади,
Севаман, деб айтмадим,йўқ,йўқ,
Ишқ йўлидан қайтмадим,йўқ,йўқ!

## ЗОРЛАНМА ДИЛИМ

Хаел сўлим, ўйларим сўлим,
Орзуимга етмайди қўлим,
Кўкда ой – оҳим, бир тилим,
Сен шунчалар хорланма, дилим,
Вафосизга зорланма, дилим!

Кўзларимда дилим сарғаяр,
Тақдир менга атай жилмаяр,

Кўксимда бир юрак улғаяр,
Сен шунчалар хорланма, дилим,
Вафосизга зорланма, дилим!

Ёлғон дунё экан, нетайлик,
Қадам етмас жойга кетайлик,
Муҳаббатни куйлаб ўтайлик,
Сен шунчалар хорланма, дилим,
Вафосизга зорланма, дилим!

Сўйлай – сўйлай сабо бўлди ишқ,
Қорачиғдай даво бўлди ишқ,
Илҳом каби адо бўлди ишқ,
Сен шунчалар хорланма, дилим,
Вафосизга зорланма, дилим!

## АРМОН, МУҲАББАТ

Бахт азалдан тушлигин билдим,
Хижронлари эшлигин билдим,
Висол ёлғон хушлигин билдим,
Армонимсан, армон, Муҳаббат!

Ой юзингга етолмай суйдим,
Кўзларингдан кетолмай суйдим,
Кўчангдан бир ўтолмай суйдим,
Армонимсан, армон, Муҳаббат!

Оҳу кўзим ишонмас, нетай,
Қийноқларин минг бора ютай,
Нозларин ҳам ардоқлаб ўтай,
Армонимсан, армон, Муҳаббат!

Гадо бўлдим, ишқ эса вазир,
Қисматимда қўл етмас – қаср,

Излаганим бахт қайда, ахир?
Армонимсан, армон, Муҳаббат!

Ишқ деганин тили бўлмаса,
Мендай куйик дили бўлмаса,
Илҳомита кўнгли бўлмаса,
Армонимсан, армон, Муҳаббат!

## ТАБАССУМ АЙЛА

Яралибмиз кўзимиз ёшли,
Йўлларимиз тиконли, тошли,
Севгилимиз бир қалам қошли,
Сен табассум айла, Муҳаббат!

Майли бизни эсламаса ҳам,
Кўзларига ҳеч олмасин нам,
Биз куйайлик, ул чекмасин гам,
Сен табассум айла, Муҳаббат!

Ўзимиз қул, ўзимиз асир,
Қайгу ҳар тун дилга чоҳ қазир,
Иккимизга йўқ чора ҳозир,
Сен табассум айла, Муҳаббат!

Сену менга дилкушо йуқдир,
Бу дунёда ишқсизлар тўқдир,
Ошиқ Илҳом юраги чўғдир,
Сен табассум айла, Муҳаббат!

## КУЙДИ ДИЛИМ

Оҳу кўзим, қошлари ёй,
Суйди дилим, суйди дилим,
Оразидин уялар ой,
Куйди дилим, куйди дилим!

Сабо, ҳолим етказ, дедим,
Ишқ ёрасин битказ, дедим,
Қалб дашталаб, ўтказ, дедим,
Куйди дилим, куйди дилим!

Гул талъатим, ширин сўзим,
Ҳижрон доғи ўйди кўзим,
Бу даҳрни тутди бўзим,
Куйди дилим, куйди дилим!

Дилгир юзим, дилдор қани?
Диидам хуноб, гулзор қани?
Илҳом учун ул ёр қани ?
Куйди дилим, куйди дилим!

## САРВИНОЗИМ

Қалбим сабоси қани?.
Дилбар навоси қани?
Кўнгил давоси қани?
Қайда ул Сарвинозим?

Ёниб ўтди ёшлигим,
Тошдай ботди ёшлигим,
Ўзи қаламқошлигим,
Қайда ул Сарвинозим?

Ўткинчимикан меҳри,
Оғулимикан сеҳри,
Саркаш айлади зеҳни,
Қайда ул Сарвинозим?

Хаслим бағрим тиғлар,
Кўксимда ўтли чўғлар,
Илҳомим юм – юм йиғлар,
Қайда ул Сарвинозим?

## ҚИЗГИНАЖОН, ҚИЗГИНА

Қоши камов, болли қиз,
Ой юзлари холли қиз,
Ширин тили болли қиз,
Қизгинажон, қизгина!
Сўзлари бол, қизгина!

Гул таъбатим ўзингиз,
Ақлим олди сўзингиз
Ишқим ёқди кўзингиз,
Қизгинажон, қизгина,
Сўзлари бол, қизгина!

Нечун кўнглим олмайсиз,
Ёнгинамда қолмайсиз,
Куйдирасиз, толмайсиз,
Қизгинажон, қизгина,
Сўзлари бол, қизгина!

Мен ҳуснингиз шайдоси,
Дардимнинг йуқ давоси,
Илҳом висол гадоси,
Қизгинажон, қизгина
Сўзлари бол, қизгина!

## ДИЛИМДА СЕН, МУҲАББАТ

Айтмадим сенга эртак,
Бағримда алам қат – қат,
Сўлди ишқ очмай куртак,
Дилимда сен, Муҳаббат!

Тилим тилдо айтмадим,
Ёнди жоним, қайтмадим,

Қошни ёға етмадим,
Дилимда сен, Муҳаббат!

Толган кўзим адодир,
Қувончлардан жудодир,
Кўз ёшларим даводир
Дилимда сен, Муҳаббат!

Ёрдан айрилган ёмон,
Бошқасин суймоқ гумон,
Нҳомни ёқар ҳамон,
Дилимда сен, Муҳаббат!

## АРМОН ЭКАН

Узун узун йўлларимни узган ёрим,
Бир боқишинг қалбимга минг дармон экан,
Юрагимнинг орзуларин бузган ёрим,
Бахт азалдан мен учун бир армон экан!

Этагингни кучиб хаёл сурганингда,
Ой ҳам маъюс бош эгарди турганингда,
Гуллар изинг ўпар эди юрганингда,
Бахт азалдан мен учун бир армон экан!

Ишқдан кўзим кўрмай қолди, чополмасман,
Бу жаҳондан излаб сени тополмасман,
Гуллар бўлиб, изларингни ўполмасман,
Бахт азалдан мен учун бир армон экан!

Нетай, тақдир дилгинамни яралади,
Сарвинозим ўз гулини саралади,
Оҳларимдан энди додлар таралади,
Бахт азалдан мен учун бир армон экан!

ЁРИЖОН

Болму десам, сеҳр ёгар сўзингдан,
Ой юзингни суйиб қолдим, ёрижон.
Нурми десам, меҳр ёгар кўзингдан.
Офтобмидинг, куйиб қолдим ёрижон.
Кўзларингни суйиб қолдим ёрижон.

Кунларимни олиб қуйдинг, сўрамассан,
Тунларимни олиб қуйдинг, сўрамассан,
Дилимга ўт солиб қуйдинг, сўрамассан,
Офтобмидинг, куйиб қолдим ёрижон.
Кўзларингни суйиб қолдим, ёрижон.

Бундай ҳусн Лайлида йўқ, билдим мен,
Гулбадан – гул сайлида йўқ, билдим мен,
Киприкларинг мисоли ўқ, билдим мен,
Офтобмидинг, куйиб қолдим, ёрижон,
Кўзларингни суйиб қолдим, ёрижон.

Кўксимда бир оташ ёнар, келмассан,
Кўзим тўлиб кўз ёш ёнар, келмассан,
Тил ҳам дилим туташ ёнар, келмассан,
Офтобмидинг, куйиб қолдим, ёрижон,
Кўзларингни суйиб қолдим, ёрижон

Изларингга тикилар жон, нетай ман,
Бўтизимга тиқилар жон, нетай ман,
Нахомингдай тўкилар жон, нетай ман,
Офтобмидинг, куйиб қолдим, ёрижон,
Кўзларингни суйиб қолдим, ёрижон

## НОЗИГИМ

Арғамчига қил қувват дерлар,
Одамзодга эл қувват дерлар.
Фаришталар бошингга қўниб,
Тили ширин қиз новвот дерлар,
Қаршингда лол қолдим, Нозигим,
Сени топмай толдим, Нозигим!

Юлдузлар тиғ отар юракда,
Қуёш чўғдай ботар юракда,
Осмонлигин унутиб осмон,
Кеча – кундуз ётар юракда,
Қаршингда лол қолдим, Нозигим,
Сени топмай толдим, Нозигим!

Оҳу кўзим, малаклар куйди,
Изингда не ҳалаклар куйди.
Қисмат отди мени сен томон,
Айриликда тилаклар куйди.
Қаршингда лол қолдим, Нозигим,
Сени топмай толдим, Нозигим!

Ҳижрон ини кишан бўлди, ёр,
Юрагимга нишон бўлди, ёр,
Илҳом деди ишқни, имонни,
Дили аро ғамлар тўлди, ёр.
Қаршингда лол қолдим, Нозигим,
Сени топмай толдим, Нозигим!

## СУЛУВДИРСАН

Ўзим ҳам лол, тилим ҳам лол, сўз келмайди,
Кўрган чоғда сен томондан кўз келмайди.
Юрагим муз, эритгали ёз келмайди,
Сен ойдан – да, сен тонгдан – да, сулувдирсан.

Жоним ёнар оҳуларим қароғида.
Мақом айлар куйдирган титроғида.
Шабнам бўлсам гулларнинг япроғида.
Сен ойдан — да, сен тонгдан — да, сулувдирсан.

Жамолини кўрганимда қалтирайман,
Аста нигоҳ ташлаб, яна мўлтирайман.
Мажнундайин ишқ ортидан тентирайман.
Сен ойдан — да, сен тонгдан — да, сулувдирсан.

Ҳижрон тилди юрагимни пора — пора.
Кўзим ҳайрон диллар аро топмай чора.
Ошиқ Илҳом ишқи яра, қалби яра,
Сен ойдан — да, сен тонгдан — да, сулувдирсан.

## КЕТМАГИЛ, ГУЛИМ

Жонимда жононим, мунис, дилбарим,
Дилим хуноб айлаб, кетмагил, гулим.
Кулгиси ҳандоним, кўзи хуморим,
Дилим офтоб айла, кетмагил, гулим.

Сен кетсанг, қайноқ ишқ оҳ бўлиб қолар,
Вужудим қовжираб, шох бўлиб қолар.
Юрагим кўзимга чоҳ бўлиб қолар,
Дилим меҳроб айла, кетмагил, гулим!

Юзингдаги нурни қайдан топгайман,
Тили ширин дурни қайдан топгайман,
Ўзингдайин ҳурни қайдан топгайман,
Дилим хароб айлаб кетмагил, гулим!

Чаманга гуллола ёпмас Ба[illegible],
Бошимни силашга чопмас Б[illegible]рим,
Қалбимда қалбимни топмас Баҳорим,
Дилим рубоб айла, кетмагил, гулим!

Қалдиргоч қошимга қайтмай қўяди,
Чугирлаб, дил розин айтмай қўяди,
Ошиқ Илҳом бағрин додлар ўяди,
Дилим сароб айлаб кетмагил, гулим!

СУРАГАЙМАН

Оҳким, ҳуснинг мен толедан сўрагайман,
Юрагимни кўзга олиб қарагайман.
Кўнглим қуши булбулдайин тинмагай, ёр,
Ишқдан ажиб тилло рўмол ўрагайман.

Билак узук олиб берсам олармисан,
Қордай оппоқ билагингга солармисан.
Ғарибингга асраб ўтчи ишқни, эй, дил,
Йўлларимга қараб — қараб толармисан.

Гуллолалар бунда ҳусн талашмасин,
Ошиқларинг изларингда қалашмасин.
Зебу зарлар сочиб ҳар ен ким ўзарга,
Ўзларига бир табассум тилашмасин.

Яралгансан нозла дилим куйдиргали,
Маним кўнглим бир умрга тўлдиргали,
Сарвинозим, ўтирма юз бу ҳолимдан,
Ошиқ Илҳом ишқин ёзди билдиргали.

БАҲОРИМ

Ўкинчлар бағримни сим — сим тиғласа,
Армонлар тинимсиз жим — жим тиғласа,
Ўртанган юрагим юм — юм йиғласа,
Соғинган чоғимда сени, Баҳорим!

Ҳаёл тулпорида учгим келади,
Ёмғирлар бўйнидан қучгим келади.

Дарахтлар либосин ечгим келади,
Согинган чоғимда сени, Баҳорим!

Қушчалар қўшиғин куйлаб чиқсалар,
Жилғалар йўлимга сўйлаб чиқсалар,
Қирларда майсалар бўйлаб чиқсалар,
Согинган чоғимда сени, Баҳорим!

Турналар ўтганда ғамга толаман,
Қалбимда бир инграқ бўзлаб толаман,
Болалигим қўмсаб, излаб толаман,
Согинган чоғимда сени, Баҳорим!

Юрагим тубида ботади қуёш,
Кўзимга сизади ўткинчи бир ёш.
Толедан Илҳомга тилайман бардош,
Согинган чоғимда сени, Баҳорим!

БИЛИБ ҚЎЙСА
Тоғ боши туман — туман, қорлигин билиб қўйса.
Йўлига бир ошиғи зорлигин билиб қўйса

Юз минг ноз — ла, малагим, оҳудай кетганида,
Нигоҳимнинг ичида борлигин билиб қўйса.

Оғушимга чорласам гул юзин четга олса,
Ишқ даштида бир гадо хорлигин билиб қўйса.

Бу дунё нафсларга берилганлар дунёси,
Огизларин очганда горлигин билиб қўйса

Парилардан соллаииб қаршимга чиқмаса гар,
Қўшиғимга бу олам торлигин билиб қўйса.

Ошиқ Илҳом қалбида ишқ ёнар, оташ ёнар,
Дилбар келган чоғида ёрлигин билиб қўйса.

## ДИЛИМГА КИРИБ КЕЛСАНГ

Дил ўртар сабо, ёрим сочини ўриб қўйсанг,
Ширин – шакар лабидан болини сўриб қўйсанг.

Ёр дея кеча - кундуз ишқида ёниб токи,
Юрак – бағрим қон бўлиб турганим кўриб қўйсанг.

Ахтариб ишқ чаманин додласам васлинг истаб,
Раҳм айлаб, моҳи тобон ўрнингдан туриб қўйсанг.

Ой юзинг зиёсини тўтиё айлай дилга,
Ишва – нозинг ярашар лабингни буриб қўйсанг.

Хуш кўриб, хуштор бўлиб этагингни тутсам, ёр,
Ёқмайсиз дея бир бор чеккамга уриб қўйсанг.

Шўр пешонамни ушлаб кетишга чоғлансам гар,
Ширин табассум айлаб мен томон юриб қўйсанг.

На бўлгай, ошиқ Илҳом, кўзларини бўзлатмай,
Кўнглини баҳор этиб, дилга кириб келсанг.

## ЖОЙЛАНГИН, ЁР

Васлинг истаб мен бағримни осмон этдим.
Афсус айтсам сен қуёшга айлангин, ер.
Хаста дилга оташ меҳрингни жон этдим.
Юрагимни тутай, ўзинг жойлангин ёр!

Нетай, ишқдин танда жоним куйиб бўлди
Соғинчлари кўзларими ўйиб бўлди,
Оҳларимни сочсам, кўкка юлдуз тўлди,
Юрагимни тутай, ўзинг жойлангин ер!

Тунда онта таърифингни оширдим мен,
Не сулувлар ақлларин шоширдим мен,
Куйган кўнгил ярасини яширдим мен,
Юрагимни тутай, ўзинг жойлангин ёр!

Ошиқларни орзуларин буккан гулим,
Ҳижрон ўтин дилгинамга туккан гулим,
Чўғлар бўлиб, кўзларимга чўккан гулим,
Юрагимни тутай, ўзинг жойлангин ёр!

Кўзларимда томчи ёш бор, сен билмаган,
Томчи ёшда дунё тош бор, сен билмаган,
Илҳом дилин ўртар ғаш бор, сен билмаган,
Юрагимни тутай, ўзинг жойлангин ёр!

## УЛ ШОҲИ СИЙМО УЧУН

Ёлворaман бир бор тутқаз ёр этагин қўлимга,
Сўнгра эккин, майлига сен дарду бало йўлимга.
Азобларда боғлансин жон муҳаббат занжирига,
Дардсиз жонни на қилай ман бағри чок – чок дилимга.

Қайлардадир сарҳуш юрган ўша дардга қўяй бош,
Ошиқликни кимки билса ўша мардга қўяй бош,
Гул юзига юзим боссам ялт этиб ёнса шабнам,
Жонбахш лаби «жоним» деса, у ҳамдардга қўяй бош.

Минг бор куйдир, ҳам додласин, ғам ўтида ёнсин дил,
Гул ёноғи қаршисида ўзлигидан тонсин дил,
Гар қошимга келса ўлим, тобут тутса дўсту ер,
Бир томчи жон ичир, зора ёр меҳрига қонсин дил

Шайдо кўнглим тинмагай ҳеч, ёр ҳусида зебо учун,
Кўксим ичра бўйлар бир гул, ишқ аро даво учун,
Натижо қил, ошиқ Илҳом, қадамлари изига,
Тупроқ қилиб сочсин оҳинг, ул шоҳи сиймо учун.

## АНОР ЮЗЛИГИМ

Сархуш бўлдим севинг ширин сўзингдан,
Ақлу ҳушим олдинг, анор юзлигим,
Ўргилайин ўлим қаро кўзингдан,
Менга ёқиб қолдинг, анор юзлигим.

Кўзларимга қунди севинч ёшдайин,
Гўзалим Лайлию бағри тошдайин,
Тангри кўзи тушган қалам қошдайин,
Менга ёқиб қолдинг, анор юзлигим.

Чаманимда булбул бўла қолсайдинг,
Меҳригиё кўнгил бўла қолсайдинг,
Тақдир туттан бир гул бўла қолсайдинг,
Менга ёқиб қолдинг, анор юзлигим.

Булоқ жилвасида борга ўхшайсан,
Сунбул сочи гўё дорга ўхшайсан,
Ошиқ Илҳомга сен ёрга ўхшайсан,
Менга ёқиб қолдинг, анор юзлигим.

## СОҒИНИБ

Атиргулни ол юзинг, деб ўпаяпман соғиниб,
Ёр, кўчангдан гадо бўлиб ўтаяпман, соғиниб,
Топганларим ҳижрон, армон, нетаяпман соғиниб,
Бу дунёдан адо бўлиб кетаяпман, соғиниб.

Кўриб ҳусну чиройингни суйиб қолган болайдим,
Паривашим малакларга йўйиб қолган болайдим,
Айтгунингча дил розингни эшигингда нолайдим,
Бу дунёдан адо бўлиб кетаяпман, соғиниб.

Бегонага юз кўрсатмай бекинади оҳларим,
Юрагимга дардлар тўлиб ўкинади оҳларим.

Тонг чоғи гул баргларига тўкилади оҳларим,
Бу дунёдан адо бўлиб кетаяпман, соғиниб.

Бўйларингга етолмасдан бағримда доғ узра доғ,
Орзуларим этагини чўтлар тўлдирди шундоғ,
Кўзларимда фиғон — нола, оламим тўлдирди зоғ,
Бу дунёдан адо бўлиб кетаяпман, соғиниб.

Фарёдимни эшит, эй, ёр, ишқда мажнун — ўламан,
Лайли юзинг бир бор кўрсам, қувончларга тўламан,
Муҳаббатни куйлагувчи ошиқ Илҳом бўламан,
Бу дунёдан адо бўлиб кетаяпман, соғиниб.

СИЗНИ ТОПДИМ

Жилваланиб чиқди қуёш,
Соҳибжамол юзни топдим.
Бир ажиб ҳис бўлди сирдош.
Кўзлаганим қизни топдим.
Излаганим — Сизни топдим.

Назокатли, иболи қиз,
Шаҳло кўзи даволи қиз,
Ширин тили жафоли қиз,
Муҳаббатда ўзни топдим.
Излаганим — Сизни топдим.

Менга ғамхўр юрак экан,
Иккимиз қўш терак экан,
Ишқда вафо керак экан.
Чаман ичра изни топдим,
Излаганим — Сизни топдим.
Ёноқлари олмагинам,
Ол юзлари холлигинам,
Илҳом учун боллигинам,
Асир этган кўзни топдим.
Излаганим — Сизни топдим.

## АСИР БЎЛДИМ

Қаймоқдайин оппоқ юзи,
Сеҳрлидир оҳу кўзи,
Гўзалликда танҳо ўзи,
Бир сулувга асир бўлдим!

Моҳпайкарни қуёш, дебман,
Гуллар тўкар кўзёш, дебман,
Сархуш қолдим, сулаш, дебман,
Бир сулувга асир бўлдим!

Остонамга ишқ бош қўйди,
Йўлимга ҳам ишқ тош қўйди,
Юрагимга оташ қўйди,
Бир сулувга асир бўлдим!

Ёрсиз дилда нола қолди,
Суйиб, куйган бола қолди,
Илҳом дардни ола қолди,
Бир сулувга асир бўлдим.

## ДЕБМИДИНГ

Келгил, дедим, кулиб қўйдинг,
Ошиқлигим билиб қўйдинг,
Қалбгинамни очган эдим,
Азобларин уйиб қўйдинг.
Суйдирайин дебмидинг,
Куйдирайин дебмидинг!

Қайғумга бўлиб сирдош,
Мажнунтолдай эгиб бош,
Мендан кечиб, кимларга,
Кўнгил бердинг, бағритош?

Суйдирайин дебмидинг,
Куйдирайин дебмидинг!

Онамга қаролмайман,
Оламга қаролмайман,
Кўзимда жовдираган
Ноламга қаролмайман.
Суйдирайин дебмидинг,
Куйдирайин дебмидинг!

Ёмғир ёғар, зор ёғар,
Бағрим тилиб хор ёғар,
Бахтинг тилаб, Илҳомнинг
Юрагидан қор ёғар.
Суйдирайин дебмидинг,
Куйдирайин дебмидинг.

## БУ ДУНЁ БИР ЧАРХПАЛАК

Бу дунё бир чархпалак,
Айлангани айланган – ей.
Менинг ошиқ қалбим ерга
Бойлангани бойланган – ей.

Ўрим – ўрим сунбул сочи
Ярашади белларига,
Не ошиқлар муштоқ бўлиб,
Термулади йўлларига.

Кўчангдан минг ўтган менман,
Қўлида гул тутган менман,
Соғинч тўла армонларни,
Юрагимга ютган менман.

Дилим оҳдим бир неча бор,
Қилмас, нетай, ҳеч эътибор,
Инсоф бергил, эй, Оллоҳим,
Бўйларига мен интизор.

Индамасдан ўтади ёр,
Парво қилмай кетади ёр.
Ошиқ Илҳом кўнгли учун,
Қараб қўйса нетади, ёр?!

ДЕВОНАСИ БЎЛАЙ ЎЗИМ

Мени мафтун этган ёрнинг
Лабида дона холи бор.
Суйдирган ул сарвинознинг,
Билмам, қачон висоли бор?!

Ўсма ўнган қошларидан,
Ўзим минг бор айланайин.
Асириман қўш кокилнинг,
Бир умрга бойланайин.

Гул юзига хўп ярашган,
Қора қоши қаламлари.
Жисму жонимни ёндирар
Майда - майда қадамлари.

Боғида гул саралайди,
Аста – аста мўралайди.
Оҳу кўзларини сузиб,
Дилгинамни яралайди.

Кулиб келса, ул Санамнинг
Парвонаси бўлай ўзим.
Лабидаги дона холнинг
Девонаси бўлай ўзим.

## КЕЧМАНГ, ЙИГИТЛАР

Чиройли гулюзга мафтун бўлсангиз,
Ишқида куйманиб Мажнун бўлсангиз,
Муҳаббат саҳроси куйдирган билан
Ул санам васлидан мамнун бўлсангиз,
Дилдан ишқ камарин ечманг, йигитлар,
Биринчи севгидан кечманг, йигитлар!

Сиз суйган ул санам доғда қолмасин,
Қизғалдоқ поласи тоғда қолмасин.
Дудоқлар бўсасиз совуб, ногаҳон
Армонлар болалик чоғда қолмасин.
Дилдан ишқ камарин ечманг, йигитлар,
Биринчи севгидан кечманг, йигитлар!

Бизга ота – она – азиз сиймолар,
Ҳар тонг бағишлагай минг – минг дуолар,
Биздан рози бўлсин отаю она,
Оллоҳдан умримиз сўрган момолар.
Дилдан ишқ камарин ечманг, йигитлар,
Биринчи севгидан кечманг, йигитлар!

Ўғил - қиз – жонимиз, кўзлар қароғи,
Ошиқлар севгиси қалблар ардоғи,
Тинчлик йўлларида яйрасин диллар,
Илҳомни чорласин сулув сўроғи.
Дилдан ишқ камарин ечманг, йигитлар,
Биринчи севгидан кечманг, йигитлар!

## ГУЛДАЙ КЕЛИНЧАК

Узоққа қиз берманг, олиб кетади,
Кўнгилга минг армон солиб кетади,
Меҳрга зор бўлиб, нолиб ўтади,
Дардларин ютади тилло беланчак,
Мен суйган суйиклим гулдай келинчак!

Топиб бер" деб гоҳи ойдан сўрайман,
Қирғоққа бош урган сойдан сўрайман,
Маъюс бошин эгган гулга қарайман,
Дардларин ютади тилло беланчак,
Мен суйган суйиклим гулдай келинчак!

Ҳаёт мисоли йўл, кўп муйилиши,
Кулинма, гамларнинг бор қуйилиши,
Севмаган юракнинг ҳам суйилиши,
Дардларин ютади тилло беланчак,
Мен суйган суйиклим гулдай келинчак!

Ул гўзал маҳлиқо бир малак эди,
Ишқида кечалар жон ҳалак эди,
Юлдузга айтганим бир тилак эди.
Дардларин ютади тилло беланчак,
Мен суйган суйиклим гулдай келинчак!

Орзулар эртакдай узоқда қолди,
Кўзларим кўкдаги безакда қолди,
Илҳомнинг юраги тузоқда қолди.
Дардини ютади тилло беланчак,
Мен суйган суйиклим гулдай келинчак!

## КЎНГЛИМ БИЛИБ

Кўнглим билиб, ўзгани сен суйма, жоним,
Ғамга мени ёлгиз ташлаб қўйма, жоним.
Бу замонда ёрдан нола қилганлар кўп,
Парво қилмай юрак – багрим ўйма, жоним.

Тангри менга туттан дона гулим, дедим,
Пешонамга ёзиқлигим шулим, дедим,
Ўзга ёрнинг қўлларидан тутолмасман,
Сени суйиб, куймасин шул дилим, дедим.

Бошгинам бир тошбагирга бойланмасин,
Паноҳ излаб теграмга ғам шайланмасин.
Икки қора кўзим қонли ёшлар тўкиб,
Умидларим саробларга айланмасин.

Кўнглим билиб,ўзгани ёр этма, жоним,
Илҳомингни ёлгиз ташлаб кетма, жоним.
Йўлларимга Мажнун йўлин туташтириб,
Армон бўлиб, юрагимни ситма, жоним.

КЕЛМАДИНГ

Боғларда гул ҳуснинг қўмсаб қолди—ку,
Тонг бағрига қўнди шабнам, келмадинг.
Кутавериб, йўлингда кўз толди—ку,
Мени мафтун этган санам, келмадинг.

Сулувлардан ўзин тийди кўзларим,
Кулгиларнинг ризқин қийди кўзларим,
Қизғалдоқдан либос кийди кўзларим,
Мени мафтун этган санам, келмадинг.

Билмадинг ҳеч ёрим, ҳолим билмадинг,
Бахтим, сира пешонамда кулмадинг.
Ярамга дил,ярим қолдинг, тулмадинг,
Мени мафтун этган санам, келмадинг.

Фақат ўзинг ҳаловатим, дилрабо,
Қалбимдаги тиловатим, дилрабо,
Ошиқ Илҳом фидо сенга, эй зебо,
Мени мафтун этган санам, келмадинг.

## СУЙГАНДИ, ДЕНГ

Ўтган умрим хаёлмиди, тушдайгина,
Кўз ўнгимда учдингиз — ку қушдайгина.
Муҳаббатсиз бир имконни топдингизму,
Бир чўт ботар юрагимга тошдайгина.

Тўйиб — тўйиб йиғлаб олгин, эй юрагим.
Унилмаган жойинг борми, уй, юрагим,
Энди сирдош бўла қолсин қўш бешинги,
Сен ҳам севин, андуҳларни қуй, юрагим.

Ёр, ишқимиз аллаларга қушиб айтинг,
Мурғаккина диллар ёнсин, жўшиб айтинг,
Алп қоматин тўлқинлар ҳам тўсолмасин,
Дарё мисол қалбдан — қалбга тошиб айтинг.

Кўзларимга кўзи тушиб куйганди, денг.
Мени тенгсиз бир малакка йўйганди, денг,
Ошиқ Илҳом парво қилмай сулувларга,
Ёлғизгинам, маним, дея суйганди, денг.

## ДУНЁЙИМСАН

Айтчи дунё, сендан нени сўрибман мен,
Кўз ёшлардан бошқа нени кўрибман мен.
Ёғинавгда ҳамон сарсон юрибман мен,
Ҳаммага кенг, менга бир кам дунёйимсан!

Бир юлдузнинг кўриб, кўнгли суйди мени,
Мен ҳам суйиб, кўзим қаро кийди мени,
Нетай, дўстлар, ғам қиличи сўйди мени.
Ҳаммага кенг, менга бир кам дунёйимсан!

Мен ҳам бахтни қучиб юрсам бўлмасмиди,
Бахтли бўлсак сени кўнглинг тўлмасмиди,

Суйишмасак балким у гул сўлмасмиди,
Ҳаммага кенг, менга бир кам дунёйимсан!

Нетай, ахир юрак — бағрим ёнар ҳамон,
Бошим олиб кетгим келар ўшал томон,
Бир кун менинг бошларимга қулар осмон,
Ҳаммага кенг, менга бир кам дунёйимсан!

## КЎНГИЛ

Гоҳ аччиқ, гоҳида беозор дунё,
Қувончларга тўла, ғамгузор дунё,
Кимлар учун кенгу сенга тор дунё,
Нега йиғламайсан, айтчи, эй, кўнгил?

Қалбингни бир оғриқ тирнайди сим — сим,
Қотган дийдаларга, айт, гуноҳкор ким?
Боболар бош эгар, момолар ҳам жим,
Нега йиғламайсан, айтчи, эй, кўнгил?

Айриliқ кўксингга отилган бир ўқ,
Бир дўстинг бор эди, энди у ҳам йўқ,
Вужудинг тўла чўт, кўзинг тўла чўт,
Нега йиғламайсан, айтчи, эй, кўнгил?

Тилга кириб сўйлар гоҳида тош ҳам,
Сел бўлиб йиғлайди ҳатто қуёш ҳам,
Сенинг кўзларингга келмайди ёш ҳам,
Нега йиғламайсан, айтчи, эй, кўнгил?

Сувга тушган тошдан чўкиб қолдингми,
Ёки шамчироқдай ўчиб қолдингми,
Балки йиғлашга ҳам чўчиб қолдингми,
Нега йиғламайсан, айтчи, эй, кўнгил?

Йиғла, музлар эриб, кўкламинг келсин,
Оллоҳдан тилаган малҳаминг келсин,
Соғинганинг шеъру Илҳоминг келсин,
Нега йиғламайсан, айтчи, эй, кўнгил?

## АЙРИЛГАНЛАР

Бу дунёнинг давлатлари ўтгувчидир,
Қўлда турган омадлари ҳам кетгувчидир,
Ёмонлигинг бир куни бошга етгувчидир,
Ота – она дийдоридан айрилганлар!

Ёшлик чоқдан сочингизни оқлар босар,
Хаста дилнинг соғ жойини ҳам доғлар босар,
Елкангизга қуёш тегмас, тоғлар босар,
Ота – она дийдоридан айрилганлар!

Азал тақдир, яхшиларга тиним бўлмас,
Ёмонларга ўлим бўлмас, ўлим бўлмас,
Товонига тошлар ботар, сўлим бўлмас,
Ота – она дийдоридан айрилганлар!

Ёлғиз қушдек ўзин четга олиб юрар,
Кукрагига шамол тегмай қолиб юрар,
Омад чопмай доим ортда қолиб юрар,
Ота – она дийдоридан айрилганлар!

Кўзларидан ёш қуримас, нам бўлади,
Кўнгиллари тўлмаслиги ҳеч, кам бўлади,
Ўнгида ҳам, сўнгида ҳам ғам бўлади,
Ота – она дийдоридан айрилганлар!

## АСРАГИН, ЭЛИМ!

Азалдан дунёда кўпдир муаммо,
Барчасин ҳал этмоқ осонмас, аммо.
Қайғута ботмасин десанг гар само—
Осмон тинчлигин асрагин, элим!

Ёғилмасин кулфат азиз бошларга,
Тўлмасин бу замин, дарё ёшларга,
Дардим сўйламайин десанг тошларга—
Иймон тинчлигин асрагин, элим!

Ўзингнинг ичингдан чиқмасин оланг,
Жаҳолат қурбони бўлмасин боланг,
Фалакни тутмасин, десанг гар ноланг—
Инсон тинчлигин асрагин, элим!

Ҳар қаричи олтин адирларинг гул,
Ҳар дона гулингга ошиқдир булбул,
Бўстоним бўлмасин десанг агар кул—
Замон тинчлигин асрагин, элим!

Қуёшдай уфққа ботайин десанг,
Юлдузга бош қўйиб ётайин десанг,
Орзумга армонсиз етайин десанг—
Инсон тинчлигин асрагин, элим!

Ҳар уйинг тинч бўлса шулдир бойлигинг,
Дўстларинг шўқласа — кўнгил жойлигинг,
Қўлинг очиқлиги — ҳотамтойлигинг—
Инсон тинчлигин асрагин, элим!

## МУНДАРИЖА


Она – Ўзбекистоним........................ 3
Соғиниб топибман........................ 4
"Ё, Ватан!" дейлик........................ 5
Маним онамсан ........................ 5
Ўзбекистон – Ватаним................ 6
Оналар юраги ........................ 7
Ўзбекистоним ........................ 8
Ўзингсан, шеърим ........................ 9
"Ишқингизнинг..." ........................ 9
Юрт мадҳи........................ 10
Ўзбек эли ........................ 11
Айтолмайман ........................ 12
Бойчечагим ........................ 12
Суйиб қоласиз ........................ 13
Ёшлик қайтмайди ........................ 14
Оппоқ олма........................ 15
Қорақош гўзал........................ 16
Ўлан айтиб ........................ 17
Муҳаббат йиглар ........................ 17
Оҳужон ........................ 18
Ёвдираверма ........................ 19
Келинчак........................ 19
Суйиклим ........................ 20
Суйган сари ........................ 21
Эй, Наврўз ........................ 22
Қизгина ........................ 22

Қизғалдоғим ........................................ 23
Ўйламай бўлмас ........................................ 24
Ҳайрон ўзим ........................................ 24
Куйинма, ёр ........................................ 25
"Атлас кийган..." ........................................ 26
Ишқ навосисан ........................................ 26
Севар ёрим ........................................ 27
Ёрингизни асранг ........................................ 28
Юртим сулувлари ........................................ 28
Кўргим келар ........................................ 29
"Сиз кўрсатган..." ........................................ 30
Ёндирасиз ........................................ 31
Кўзларингда яшайин ........................................ 31
Дард дилим ........................................ 32
Ғарибман ........................................ 32
Кўзларингда қолиб ........................................ 33
Умр омонат ........................................ 34
Бўстонларга қайтинг ........................................ 35
Мен ёлғиз ........................................ 35
"Қисмат йўлларида..." ........................................ 36
Оқибат ........................................ 37
Жонона қиз ........................................ 38
Ўз ёрим бор ........................................ 38
Келдим сўроқлаб ........................................ 39
Ноз қиласиз ........................................ 40
"Юлдузман..." ........................................ 40
"Дардим айтсам..." ........................................ 41
"Сизнинг..." ........................................ 42
"Кенгликлар кўксидан ........................................ 42
Сингилжон ........................................ 43
Кимдан қалбга ........................................ 44
"Жоним дея..." ........................................ 44
Куйиб қолма ........................................ 45
Ёр, ўзингиз ........................................ 46
Суяй ўзим ........................................ 47
Сени соғинаман ........................................ 47

Сўрай, гулим ........................................ 48
Бахтлар тилай ........................................ 49
Сезмасин ёрим ........................................ 50
Сизни излаб топарман ........................................ 50
Қараиди қиз ........................................ 51
Ўйлама ........................................ 52
Ойбарчинлар ........................................ 53
Ёрим ........................................ 54
Кечир мени, юрагим ........................................ 55
Сен эса билмайсан ........................................ 56
Куйлагай муҳаббатим ........................................ 57
Сенда кўрдим ........................................ 57
Суйингин, ёр ........................................ 58
Севаман, деб айтмадим ........................................ 59
Зорланма, дилим ........................................ 59
Армон, Муҳаббат ........................................ 60
Табассум айла ........................................ 61
Куйди дилим ........................................ 61
Сарвинозим ........................................ 62
Қизгинажон, қизгина ........................................ 63
Дилимда сен, муҳаббат ........................................ 63
Армон экан ........................................ 64
Ёрижон ........................................ 65
Нозигим ........................................ 66
Сулувдирсан ........................................ 66
Кетмагил, гулим ........................................ 67
Сўрагайман ........................................ 68
Баҳорим ........................................ 68
Билиб қўйса ........................................ 69
Дилимга кириб келсанг ........................................ 70
Жойлангин, ёр ........................................ 70
Ул шоҳи сиймо учун ........................................ 71
Анор юзлигим ........................................ 72
Согиниб ........................................ 72
Сизни топдим ........................................ 73
Асир бўлдим ........................................ 74

Дебмидинг ......................................................74
Бу дунё бир чархпалак ........................ 75
Девонаси бўлай ўзим ............................ 76
Кечманг, йигитлар ................................ 77
Гулдай келинчак ................................... 77
Кўнглим билиб ...................................... 78
Келмадинг .............................................. 79
Суйганди, денг ...................................... 80
Дунёйимсан ........................................... 80
Кўнгил ...................................................... 81
Айрилганлар .......................................... 82
Асрагин, элим......................................... 83
Мундарижа.............................................. 84

*Адабий-бадиий нашр*

**ИЛҲОМ ҲАМРО**

СИЗНИ ТОПДИМ

Шеърлар

Муҳаррир *Жонибек Субҳон*
Рассом *Т. Саъдуллаев*
Имловий муҳаррир *Райҳона Минҳожиддин қизи*
Компьютер устаси *Шаҳриёр Ботир ўғли, Алишер Ҳайдаров*

Босишга 21.02.2000 й.да рухсат этилди. Бичими $70x90^{1}/_{32}$.
Босма табоғи 3.22. Нашр табоғи 3,0. Адади 1500 нусха.
1-2000 рақамли буюртма. Баҳоси келишилган нархда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг
"Ёзувчи" нашриёти. Тошкент, 700129, Навоий, 30.

Тошкент молия институтининг босмахонасида тайёрланди.
700084. Тошкент, Ҳ. Асомов кўчаси, 7.

200



Илҳом Ҳамро Ғаллаоролнинг хушманзара Қўйтошида туғилган. Касби — ҳуқуқшунослик. "Висол лолалари", "Қизгина" шеърий тўпламлари муаллифи. Ўнлаб шеърлари юртимизнинг таниқли хонандалари репертуаридан муносиб жой олган. Ҳозир республика телевидениясида хизмат қилади.

"Сизни топдим"—энг сара шеърлари жамланган навбатдаги китоби.